

ускуналари ва коммуникация тизимларидан самарали фойдаланиш масаласига эътиборни қаратди.

Мажмуага туташ ҳудудда «Истиқлол» маҳалла маркази биноси қад ростлаган. Давлатимиз раҳбари шу ерда маҳалла фаоллари билан мулоқотда бўлди.

— Маънавий қадриятларсиз, асрлар давомида шакланган имон-этиқодидан маҳрум бўлган халқ ўсмайди, тараққий этмайди. Юртдошларимиз ўзларини Ватанимизда, жумладан, мана шу масканда амалга ошириладиган хайрли ишларнинг оддий кузатувчилари эмас, балки ташаббускори ва иштирокчилари сифатида ҳис этишлари



идаги объектларни таъмирлаш ва бу ерда қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш бўйича кўзда тутилган ишлар тасдиқланган жадвал асосида амалга оширилмоқда. Президентимиз бу ердаги ишлар билан

Амир Темур томонидан олиб келинганлигига эътиборни қаратди.

Мажмуада Президентимизнинг ташаббуси билан қўш гумбазли, икки минорали муаззам масжид қад ростламоқда. Ушбу бетакрор иншоот нафақат пойтахтимиз, балки бутун юртимиздаги энг йирик масжид бўлади.

Президентимиз иншоотнинг қурилиши, унда шарт-шароитлар яратиш юзасидан тавсиялар берди.

Президентимиз Ҳазрати Имом жамоатчилиқ жамғармасининг юртдошларимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади. Ушбу жамғармага тушаётган маблағ мана шу мажмуани обод қилишга, янги масжид қурилишига сарфланмоқда.

Ҳа, миллий қадриятла-

Юртимизда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида ажодларимиз қолдирган бой маданий меросни тиклаш ва асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк аллома ва азиз-авлиёларимиз муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, уларнинг бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшларимиз онг-шуурига сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ислам конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди. Улкан тарихий-маданий ва сиёсий аҳамиятга эга ушбу воқеа жаҳон ҳамжамияти ҳамда юртдошларимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Президент Ислам Каримов бу воқеага «Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳисасининг юксак эътибори», деб таъриф берди.

Диёримизда муқаддас ислом дини ва фалсафасини, инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишда йирик илмий-маърифий марказ сифатида хизмат қилаётган Ҳазрати Имом мажмуасини шу пайтгача асосан пастқам иморатлар қуршаб турар, унга элтадиган кўчалар бугунги талабларга жавоб бермас эди.

Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуаси юртимиз ва мусулмон оламида катта обрў-эътибор қозонган табаррук маскан ҳисобланади. Мамлакатимиз пойтахтида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган ана шу кутлуғ қадамжонинг та-

Маънавият ва маданиятга эътиборнинг амалдаги ифодаси

Президент Ислам Каримов 25 апрел куни пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуасига ташриф буюриб, бу ерда амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди

рихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инobatга олган ҳолда, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтган йилнинг ноябр ойидан бу ерда кенг қўламли таъмирлаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошланди. Бугун гўзал қиёфа касб этган ушбу гўшани таниш қийин.

Ислам Каримов, даставвал, Ҳазрати Имом меъморий мажмуасининг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш борасида қилинаётган ишларни кўздан кечирди.

Президентимизнинг шу йил 20 феврал куни қабул қилинган «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилиқ жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Қароринда халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган мазкур меъморий мажмуанинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъ-

мирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш вазиғаси белгилаб берилган.


Қарийб 9,5 гектар майдонни эгаллаган Ҳазрати Имом меъморий мажмуаси олдидагидан Кайковус ариғи тубдан таъмирланди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг янги биноси замонавий кўриниши билан кўзни қувнатди.

Ислам Каримов қадимий ва ноёб қўлёзмалар сақланаётган кутубхонани кўздан кечирди. Мамлакатимиз кутубхоначилиги тизимида амалга ошириладиган ислохотлар, хусусан, кутубхона ишини такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

— Бу ердаги нодир ва қадимий китобларга бе-парво, юзаки қараш мумкин эмас, — деди Президентимиз.

Юртбошимиз мажлислар зали ва иш хоналарини жиҳозлаш, илғор техникадан, бошқариш



муҳим, — деди Юртбошимиз.

Бугун наинки Ҳазрати Имом меъморий мажмуи улкан қурилиш майдонига айланган, айна чоғда мажмуа таркибидаги Қафқол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тиллашайх ва Намозгоҳ масжидлари каби тарихий обидаларда ҳам иш қизгин.

Ҳазрати Имом мажму-

танишиш асносида, ёдгорликлар пештоқидаги нақшларнинг асл ҳолини тиклаш, айниқса, қадимий ёзувларни тиклашда эҳтиёткорлик билан иш тутиш зарурлигини қайд этди.

Ислам Каримов мажмуада сақланаётган Қуръони каримнинг энг қадимий нусхаларидан бўлган Усмон Қуръонини кўрар экан, унинг юртимизга буюк бобокалонимиз

римизни, анъана ва удумларимизни тиклаш ва ривожлантириш, маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида амалга ошириладиган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари истиқлол берган имкониётларнинг ёрқин намуналаридандир.

Ғулум МИРЗО,
Норали ОЧИЛОВ,
ЎЗА мухбирлари

Хабарлар

Саломатлик поезди

Қорақалпоғистонда

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК билан ҳамкорликда вилоятлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, нафақахўрлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ҳамда ижтимоий соҳа муассасаларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб келмоқда.

Кийим-кечак, пойабзал, кўрпа-тўшак ғилофлари ва санитария-гигиена ашёларидан иборат навбатдаги тўртинчи «Саломатлик» поезди Қорақалпоғистонга жўнаб кетди. Оролбўйи минтақасида иқлимнинг ўзгариши, деградация жараёни юқорилаб бораётгани ва бунинг оқибатида қатор ижтимоий-экологик муаммоларнинг келиб чиққанлигини инобатга олиб, мазкур инсонпарварлик ёрдами уюштирилди.

Бутунжаҳон ер кун

Ер ресурсларининг ҳолати ва ундан оқилона фойдаланиш масаласи долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Айниқса, тупроқда пестицид ва минерал ўғитларнинг қолдиқлари, оғир металллар ва радионуклидлар билан ифлосланиши ҳавотирнинг ортисига сабаб бўлмоқда.

Тошкент Давлат Аграр университетидан ана шу муаммолар юзасидан «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри кўмитаси ҳамкорликда Ер кунига бағишлаб экофорум ўтказди. Унда Республика Олий Мажлисининг Сенат аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этишди.

Форумда ерларнинг чўлланиши ва тупроқнинг ифлосланиши туфайли инсон саломатлигига етказилган зарарли оқибатларни бартараф этиш чоралари хусусида фикр юритилди.

Мактуба МЎМИНОВА,
«Ишонч» мухбири

Янги академик лицей

Айни кунларда Сирдарё вилоятида қурилиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари қизгин бормоқда. Айниқса, вилоят маркази Гулистон шаҳрининг қиёфаси кун сайин ўзгармоқда. Маҳаллалар худудлари, кўча ва хиёбонлар тартибга келтириляпти. Марказий деҳқон бозорида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти.

Ижтимоий ҳимоя йилида вилоятдаги таълим масканлари сони янада кўпаяди. Шаҳарнинг Муқимий маҳалласи марказида янги академик лицей биноси жадаллик билан бунёд этиляпти. Янги иншоот «Наврўз айёми» кўп тармоқли савдо ишлаб чиқариш фирмаси қурилиш участкасининг бунёдкорлари томонидан қурилмоқда. Таълим маскани 720 ўринга мўлжалланган. Ундан кенг ва шинам ўқув хоналари, спорт зали, ўйингоҳ, теннис корти, ошхона, кутубхона, маънавият хонаси, фаоллар зали ва бошқа қулайликлар ўрин олган.

Анорбой НОРКУЛОВ,
журналист

Мулоҳаза

Ислолда диндош биродарларга насиҳат қилишлик, яъни амри маъруф фарз ҳисобланади. Чунки диний таълим бериш, панду насиҳат қилиш жараёнида инсон яхшилиқка, инсоф-диёнатга, тўғрилиқ ва ҳалолликка даъват этилади. Шунинг учун ҳам амри маъруф эътиқодли халқимиз ҳаётига тобора сингиб борапти. Ҳозир нафақат масжидларда, балки турли миллий маросим ва диний маъракаларда ҳам, маҳаллалардаги тадбирларда ва яхши ният йўлида одамлар йиғилган жойларда ҳам, ҳатто бир неча ўн кишилик катта-кичик давраларда ҳам амри маъруф қилинапти.

«Демократ» домла

Бу яхши, албатта. Чунки панду насиҳат ҳаммага керак. Одамларни ҳаром ва гуноҳдан қайтариб, тўғрилиқ ва ҳалоллик, инсоф-диёнатга, эзгу ишларга даъват этиш қандай яхши. Албатта амри маъруфнинг ўта таъсири, ишонарли, қизиқарли бўлиши ва яхши самара бериши домла-имомнинг илми ўткирлиги, тақвоси мустаҳкамлиги, ҳаётдаги шахсий иборати ҳамда ҳар қандай ҳолатда ҳам ваъз айтаётганда ҳақиқат мезонига амал қилишига боғлиқ. Агар домла манфаатни кўзлаб, нимадандир ҳадиксираб, бировларга ёқши учун мойлаб ва мослаб гапирса, аввало, унга ишонч йўқолади, қолаверса, одамларда шубҳа туғдирадиган саволлар пайдо бўлади. Айниқса, амри маъруфдан кейин тушадиган саволларга тўғри ва аниқ жавоб бериш домладан жуда катта масъулият талаб қилади.

Баъзан эса жавоблар тингловчиларни қониқтирмайди. Бир кунги Тошкентдаги масжидлардан бирида амри маъруфдан сўнг имом-хатибга шундай савол тушди: «Мен одамлардан олган пораларим ҳисобига ҳажга бориб келдим. Менинг ҳажим қабул бўладими-йўқми?» Таниқли имом-хатиб узоқ ўйлаб ўтирмасдан шундай жавоб қилди: «Ўша томонларга бориш насиб қилган экан, сизнинг ҳажингиз қабул бўлади». Одамлар ажабланиб бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Имом-хатибнинг гапи кўпчиликда пора олиш гуноҳ эмас, ҳажга ҳаром пулга ҳам борса бўлаверар экан-да, деган фикр пайдо қилди. Агар

«Ҳажингиз қабул бўлдим-йўқми, буни Оллоҳ билади, бироқ ҳажга ҳалол пулга бориш керак», деганида эди, ҳеч кимда шубҳа туғдирмасди. Бу шундан далолатки, вазиятга мослашиб оладиган «демократ» домлалар, ҳатто порахўрларга ҳам ёмон кўрингилари келмайди. Шунинг оқибатида ҳажга бориб келганидан кейин ҳам пора олиб, ароқ ичиб, эгри йўлдан юриб, нафс қурбони бўлиб, муқаддас зиёратга доғ тушираётган ҳожилар кўпайиб борапти. Ёки оғизда тақводан гапириб, амалда ҳадяга ҳирс кўяётган домлалар йўқ дейсизми?!

Бироз вақт олдин Тошкентдаги яна бир масжидда кузатилган ҳолат. Рўза кунлари эди. Шубҳасиз, бундай пайта амри маъруфлар асосан хайр-эхсон, закотга, бева-бечора ва етим-есирларга ёрдам беришга қаратилди. Бу табиий ҳол, Рамазон ойида халқимиз муҳтожлардан ўз саховатини аямайди.

Кўп йиллардан бери шу масжидда имом-хатиб бўлиб ишлаб келаётган домла хайр-эхсонга бағишланган амри маъруфдан сўнг гапни ўзидан бошлади: «Мен закотга муҳтож бўлиб қолдим, агар ораларингизда закот берадиганлар бўлса менга берсин», деди у кутилмаганда. Ҳамма хайрон. Кимдир «бошига ташвиш тушибди» деса, кимдир «ўгли қамалиб қолибди» деди. Бўлиши мумкин. Фожеа ва кўнгилсизликлардан ҳеч ким кафолатланмаган. Шундай экан, унга бериладиган закотни имом-хатибнинг ўзи эмас, масжиднинг мутаваллисими, маҳалла оқсоқолими ёки бошқа бирор киши айтса бўлади-ку!.. «Демократ» дом-

ланинг дабдурустан «закотни менга беринглр», дейиши диний-мантқиқий жиҳатдан ҳеч қандай одоб доирасига сифмайди. Нима сабаб бўлганини билмадик, аммо орадан кўп вақт ўтмай, Тошкент шаҳрининг бош имомхатиби келиб бу домлани вазифасидан бўшатди ва ўрнига бошқасини тайинлаб кетди. Охир-оқибатда домланинг ҳақалак отган нафси панд берди. Айтишларича,

миллий қадриятларимиз, ўзлигимиз нима бўлади? Миллатимиз шаъни, эртанги кунимиз-чи? Нима, биз ўзгаларнинг турмуш тарзига мослашамизми?! Унда авлод-аждодимиз, ота-боболаримиз руҳи безовта бўлмайдами?!

— Тўхтанг, ваҳима қилманг, ака! — деди домла йигит гапимни бўлиб. — Олдин ўша демократия-си келсин, кўрайлик,

бу домла дуо талаб бўлиб келган одамларни ёки ўқитиш учун келган беморларни олдиндан айтган пулини бермаса қабул қилмас экан. Буни у демократия ва эркинликнинг куртаги деб биларкан. Тақво эса унга қурбон қилинади.

Кўпчилик бўлиб бир маъракада ўтирибмиз. Тўрда савлат тўкиб ўтирган ёш домла амри маъруф қилмоқда. У катта-ю кичикка панд-насиҳат қилиб бўлганидан кейин шундай деди:

— Биродарлар, иншооллох, демократия келганидан сўнг эмин-эркин тоат-ибодат қилиш учун кенг имкониятлар яратилади.

— Тақсир, — дедим мен унга, — ҳозир эмин-эркин тоат-ибодат қилиш учун нима халақит берапти?

— Ҳар ҳолда ҳозирги қараганда янада эркинроқ бўлади-да, — деди у.

Даврада ўтирган қирқ ёшлардаги бир киши гапга аралашди:

— Мен давлат ишида ишлайман. Бироқ намоз билан рўзани қанда қилмайман. Баъзан намозни ишхонамда ўқиб оламан. Лекин ҳали бирон одамдан таъна эшитганим йўқ. Бу эътиқод эркинлиги эмасми?

— Тўғри, биродар, — талмовсиради ёш домла, — кейин яна ҳам бемалолроқ бўлади демокриман-да.

Домла йигитга мурожаат қилди:

— Тақсир, демократияни яхши кўрар экансиз, бироқ демократия ниқоби остида ўзгаларнинг беҳаё турмуш тарзи ҳам кириб келаётганидан хабарингиз борми?

— Кириб келса нима қилибди, ҳар ким ўзига маҳкам бўлса бўлди-да, — деди у.

— Маънавиятимиз,

уёғи бир гап бўлар. Мабодо ўқитувчи эмасмиз?

— Журналистман.

— Э, ҳа, журналистлар ҳамиша ҳукуматнинг гап-пани гапиришади! — деди у такабурлик билан.

— Сен кимнинг гапини гапирасан? — дедим асабийлашиб.

— Диннинг.

— Бекор айтибсан, — дедим қатъий, — динда тўғрилиқ, ҳалоллик, поклик, инсоф-диёнат, одоб-ахлоқ, эзгулик ҳақида гап бор, лекин демократия ҳақида гап йўқ! Сен динга хиёнат қиляпсан, миллат ва маънавиятни ҳақоратляяпсан!...

Шундай деб даврдан чиқиб кетдим. Кейин сўраб-суриштирсам, бу йигит илгарги экстремистик-диний оқимлардан бирига аъзо бўлиб йўлдан адашган экан. Бундай тоифадаги домлаларни турли давраларда бошқалар ҳам учратиб қолишлари мумкин. Ҳар ҳолда ўзини «демократ» деб ҳисоблайдиган домлаларга нисбатан ҳушёр ва сезгир бўлганимиз маъқул. Чунки, демократия (эркинлик) ниқоби остида кўнгил тусанган ишни — бебошлик ва беҳаёликни қилиш эътиқод мезонларига мутлақо тўғри келмайди. Ўзларининг қандайдир гараз ва аразларини йўлида ҳатто ўзгаларнинг турмуш тарзини тарғиб қилишдан ҳам ор қилмайдиганлар эътиқодда хиёнат йўлини танлаган мунофиқлардир.

Иброҳим НОРМАТОВ

Фаолият

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бойси, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишда унинг салмоқли ўрни бор. Бу соҳада фаолият юритаётганларга берилаётган имтиёзлар улар учун қулай имконият яратмоқда. Аммо бундан ноқонуний мақсадларда фойдаланишга уринаётганлар ҳам учраб турибди. Охангарон шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан ўтказилган текширишларда ана шундай ҳолатлар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилмоқда.

Жорий йил биринчи чорак якуни бўйича бюджетга ундирилган миқдор 7566,3 миллион сўмни ташкил этиб, режага нисбатан 99,7 миллион сўм ортиги билан бажарилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-сонли қарори ижроси юзасидан ўтказилган текширишда 17 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, улардан далилий ашё сифатида 14454,0 минг сўмлик маҳсулот олинди ва чора кўриш учун ҳужуки муҳофазга қилиш органларига юборилди.

Текширишларда аксарият

дан 351 минг сўмлик маҳсулот далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Худди шундай ҳолат «Умид-2001» хусусий корхонасига қарашли савдо дўконига ҳам кузатилди. Натижада сотувчи С.Пардаевдан 641.400 сўмлик маҳсулот олиб қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Молия хўжалик фаолиятини

юртмаётган 10 та корхона белгиланган тартибда тугатилди.

Охангарон шаҳар «Деҳқон ва буюм» бозорларидаги рейд натижаларига кўра, бир неча фуқаронинг ҳеч қандай ҳужжатсиз савдо қилаётганликлари аниқланди. Фуқаро А.Самиевдан ҳужжатсиз DVD дисклар олиб қўйилди. Унга нисбатан маъмурий жазо қўлланилиб, 86.940 сўм жазо берилди. Фуқаро А.Маткаримов ва Ф.Абдурахмоновларга ҳам ҳеч қандай ҳужжатсиз балик маҳсулотлари билан савдо қилаётганлиги сабабли тегишли чора кўрилди.

Аниқланган камчиликлар юзасидан Охангарон шаҳар ҳокимлигига тақдимнома киритилди.

Шавкат АТАЕВ,
Охангарон шаҳар ДСИ

бошлиги

Имтиёз — имконият демак

қонун бузилишлар НКМдан фойдаланмаслик оқибатида содир этилаётгани маълум бўлди. Жумладан, «Капитал савдо» хусусий корхонасига қарашли савдо дўконидан 3500 сўмлик маҳсулот харид қилган харидорга сотувчи Д.Алибоева касса чеки ёки унга тенглаштирилган квитанция бермади. Қолаверса, савдодаги маҳсулотларга тегишли ҳеч қандай ҳужжат тақдим эта олмади. Дўкон-

амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисидаги қарори бўйича январь-март ойлари давомида банклардан 3 ва 6 ой давомида фаолият юритмаган, ҳисоб рақамлари ёпилган 4 та корхонага оид маълумотлар шаҳар ҳокимлиги қошидаги махсус комиссияга юборилди. Фаолият

рима ундирилди. Фуқаро А.Маткаримов ва Ф.Абдурахмоновларга ҳам ҳеч қандай ҳужжатсиз балик маҳсулотлари билан савдо қилаётганлиги сабабли тегишли чора кўрилди.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари

Бир киши донишманд хузурига келиб иши ҳеч юришмаётганини айтибди ва маслаҳат сўрабди. — Агар ишинг юришмаётган бўлса, янада кўпроқ ҳаракат қил, борди-ю, шундаям юришавермаса, ҳаракатни икки-уч хиссага оширгин, барибир ишинг олға силжимаса, сен учун биргина йўл қолади. У ҳам бўлса тинимсиз ҳаракатда бўлишдир. — дебди донишманд. Донолар ҳикмати — ҳаёт ҳақиқати. Ўз мақсади йўлида тинмай тер тўккан одам ҳеч вақт эл назаридан қолмаган, ҳамиша иззату эътиборга сазовор бўлган!

Анора Маҳмудова ҳам шундай инсонлар қаторида туради. У мактаб директори этиб тайинлангач, илм масканини вилоятга танитиш ва бу ерда билимдон болаларни камолга етказишни дилига тугди. Кейинчалик шу нияти йўлида астойдил ҳаракат қилди. Мана, орадан йигирма йилча ўтиб, Анора Маҳмудова раҳбарлик қилаётган Хоразм вилоятининг Гурлан туманидаги Ибн Сино номли 5-мактабнинг довруғи анча узоқларга тарқалди.



...Маълумки, Оролбўйи худудларида экологик аҳвол анча жиддий. Денгизнинг суви чекинган қирғоқларидан чанг ва туз зарралари аҳоли ўртасида турли касалликларни келтириб чиқараётди. Айниқса, болалар ўртасида хасталиклар кўп. Хўш, нима қилиш керак? Ҳар бир киши оз бўлса-да, экологик аҳволнинг яхшиланишига ҳисса қўшиши мумкин-ку! Анора Маҳмудова бу ишга биринчилар қаторида киришди. У мактаб атрофидаги жойларни текислаб, дарахтзорлар барпо этишни мўлжаллади. Бир пайтлар Кисловодск санаторийсида дам олганда, ўша жойларнинг соф ҳавосига ҳавас қилганди. Агар атрофида дарахт сероб бўлса, ҳар қандай масканга кўрк киради. Шу ниятда ён-атрофдаги ташландиқ худудларга ишлов беришга киришди, кучли бульдозерлар бир неча ҳафта зўр бериб ишлади.

ликлар узум, ёнғоқ, анор, анжир сингари меваги дарахтларни Ўзбекистондан олиб кетиб кўпайтирган эканлар. Ахир жаннатдек юртда яшаётганлигимиз билан гурурланишимиз лозим. Миллатимиз тарихини билиш баробарида юртимизда ўсаётган ҳар бир ўт-ўлан, ҳар бир гул, ҳар бир дарахт ё мева хусусидаги билимга ҳам эга бўлишимиз шартлигини ўқувчиларга қайта-қайта тушунтирамиз, — дейди Анора Маҳмудова.

Хоразм Маълун Академиясининг минг йиллиги нишонланган кезларда Анора Маҳмудова кичик академия ишини йўлга қўйди. «Улуғ донишмандлар, алломалар етишиб чиққан бу юртдан жуда кўплаб академиклар ҳам чиқиши шубҳасиз», дейди у. Шунингдек, махсус таълим маркази ҳам очилиб, бу тайёрлов маркази пуллик тарзда иш юрита бошлади.

— Марказ фаолияти давомида йиғилган маблағдан аълочи ўқувчиларга стипендия ажратилади, кам таъминланган хонадонларга ёрдам уюштирилади, — дея суҳбатни давом эттиради Анора Маҳмудова. — Мактабда кўмакка муҳтож бўлган юздан ортиқ бола таҳсил олади, учта ногирон ўқувчи бор. Ўтган йилда мактаб шахсий ҳисоб рақамидан ўттиз нафар болага ёрдам пули ажратилди. Ижтимоий ҳимоя йилида эса кам таъминланган хонадонларнинг фарзандларига алоҳида эътибор кўрсатилади, ногирон ўқувчиларнинг кийим-кечаги, ўқув қуроллари учун зарур маблағ ажратилади, баъзиларининг уйда сабоқ олишлари учун имкон яратганмиз. Жамоамизда бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ўзаро талабчанлик йўлга қўйилган. Педагогларнинг деярли ҳаммаси изланувчан. Зухра Отажонова, Рима Холмуродова, Дармонжон Ўразалиева, Мақсуда Шомуродова, Муҳайё Бекмуродова, Салима Одилова сингари ўқитувчилар борки, мактаб ҳаётига оид ҳар қандай муаммони ҳал этишда уларнинг кўмагига суяниш мумкин.

Анора Маҳмудова педагоглар оиласида ўсган. Сўнг ўқитувчилар хонадонига келин бўлди. Эндиликда фарзандларининг аксарияти шу касбни танлашди. Тўрт нафар ўғил-қиз, ўндан ошшқ набиралар... Барчаси тўғриси бўлди, ҳалоллиги, илм йўлидаги изланишлари, жамият хизматидаги фаоллиги билан шу оиланинг кўрки, гурурига айланган. «Умр йўлдошим билан биргаликда болаларимизнинг эл-юртга керакли инсонлар бўлиб етишиши учун жон куйдирдик, ҳаракатларимиз ўз самарасини бераётганидан мамнунмиз», дейди у.

Ўзбекистон Қаҳрамони Анора Маҳмудованинг бир қарашда оддийга ўхшаб туюлган ҳаёт йўли замирида улкан шижоат, фидойилик ва чуқур масъулият борлигини пайқаш қийин эмас. Яна шуни англаш мумкинки, ёш авлоднинг эртанги кунига ва миллат тақдирига масъуллик ҳисси опани бир лаҳза бўлса-да тарк этмайди. Мана шу масъуллик ҳисси уни озод Ватан келажаги йўлида тинмай ҳаракат қилишга ундайди. Ундайверади...

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
журналист

Фидойилик қонимизда бор

— дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Анора Маҳмудова

— Инсон ўз устида ишламаса, бир жойда туриб қолади, — дейди Анора Маҳмудова.

Опанинг суҳбатини тинглаётиб, тушуниб етаманки, инсон ўз ҳаётини жамият ҳаётига дахлдор ҳисоблаши, ўз интилишлари билан жамиятнинг ҳам олдинга силжишига ҳисса қўшиб бориши зарур экан. Демак, атрофдагиларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг бахтли бўлишига имкон яратсанг ва юртнинг тақдирига бепарво бўлмай, ўзингни унга фидо қилсангина чин инсонийлик бурчингни аъло даражада уддалаган бўласан!

Яна англаб етдимки, Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвон фақат кишининг улкан меҳнатларигагина эмас, балки сийратининг гўзаллигига — юксак маънавиятига ҳам берилган мукофот экан. Анора Маҳмудованинг фидо-корона хизматлари, миллат эртаси хусусидаги ўй-фикрлари бунга яққол мисолдир.

Опа талабалар чогларидаги бир воқеани гапириб беради:

— Институтда ташкилотчи эдим. Ёшлар билан иш юртардим. Бир куни ётоқхонадаги бир қизнинг пули йўқолибди. Шу кунийёқ миш-миш, шов-шув авж олди. Бунга барҳам бериш учун уч-тўртта фаол талабаларни ёнимга олиб, ўша хонада яшовчи қизларни бирма-бир суҳбатга чақирдим, фойда бермади. Ахийри тинтув ўтказдик. Буни қарангки, хонадош қизлардан бири пулни ўғирлаган экан. Кечирим сўраб, қайтариб берди. Мен қизни чақириб, у билан холи гаплашдим. «Сен бўлғуси педагогсан, бу одатингни ташламансанг, болаларга қандай таълим берасан, уларга «ҳалол бўлинглар» деб қай тил билан айта оласан» дедим. Қиз узоқ ўйланиб қолди. Бир йил ўтиб-ўтмай ўқишни ташлаб кетди. Мен сабабини билиш учун уни қидириб топдим. Учрашдик. «Мен ўйлаб кўрдим, яхши педагог бўлолмас эканман, қилган ишимдан ҳанузгача хижолатдаман. Бошқа касбда ишлаб, ўзимни

тузатиб яшайман» деди. Сўнг менга негадир «рахмат» деди. Ўшандаги гапларим унга қаттиқ таъсир қилган экан. Шу қиз учун хурсанд бўлдим. Ҳалолликдан сабоқ бериб, ҳаётини тўғри йўлга солиб юборганимдан қувондим...

Яна бир воқеа. Институтни битирган қиз мактабга иш сўраб келди. Анора Маҳмудова унинг дипломини очиб қаради. Ҳамма баҳолари «аъло» экан. Ишга олди. Эртасига янги муаллиманинг дарсига кириб ўтирди. Ахир у раҳбар, қўл остида қандай кадрлар ишлаётганини билишга ҳақли. Хуллас, янги ўқитувчи синфдаги болаларнинг адабиёт фанидан берган кўпгина саволларига жавоб бера олмади... Шу куни Анора Маҳмудова қизни хонасига чақиртирди.

— Ўқувчиларимиз анча билимдон, буни ўзинг ҳам кўрдинг. Мен эса жуда талабчанман. Демак, ўз устингда қаттиқ ишламасанг, бу даргоҳда узоқ қололмайсан. Ўйлаб кўргин, — деди.

Қиз бош силкиди. Мана, шунгаям уч-тўрт йилча вақт бўлди. Ҳозирда ўша ўқитувчи мактабдаги энг билимдон ва фаол педагоглардан бири. Миннатдорлигини билдириш учун бир куни Анора Маҳмудова ёлғиз қолган пайтида хонасига кирди. «Педагогнинг шунчаки яшашга, шунчаки ишлашга ҳаққи йўқ экан. У ҳамиша ўзини янгилаб бориши шарт бўларкан, чунки у авлод тарбиячиси, менга шу нарсани тушунтириб берганингиз учун сизга раҳмат, Анора опа!» деди.

Бошқа бир воқеа. Собик ўқувчилардан бирининг бошига ташвиш тушиб, иш юзаси-

дан тергов бошланганини Анора Маҳмудова кимдандир эшитиб қолди. Ўша ўқувчиси мактабда жуда аълочи, ташкилотчи, бунинг устига меҳнаткаш инсонлар оиласида ўсган, ҳар бир ишга виждонан ёндошарди. Наҳотки, уни ноҳалолликда айблашгаётгани тўғри бўлса?! Тезда уни излаб топди. Суриштирди. Собик ўқувчисининг кўзлари жиққа ёшга тўлди:

— Англашилмовчилик бўлган, Анора опа. Ҳақиқатни ойдинлаштиришга кучим етмапти. Асабларим қаттиқ чарчади. Илгари ҳеч бундай ҳолатга дуч келмагандим...

— Ўзингга ишонсанг, қаддингни баланд тут, руҳингни туширма. Инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам дадил бўла олиши керак, — деди унга Анора опа.

Ўзи эртасигаёқ пойтахтга — ҳуқуқ идоралари томон йўл олди. Ҳодисанинг қайта ўрганилишини сўради. Чекка бир тумандан вилоятга, сўнг пойтахтга «судралиб» келгунча анча-мунча чалкашликларга йўл қўйилгани маълум бўлди. Воқеа ойдинлашди, ҳақиқат қарор топди.

— Биргина эътиборингиз, зийраклигингиз билан мени тўхматлардан омон сақлаб қолдингиз, сизга раҳмат, — деди ўша аёл ўзини йиғидан тўхтатолмай.

— Сен оилада ҳалол тарбия топгансан, буни билардим. Шунинг учун ҳам сенга ноўрин тўхмат уюштирилганини ич-ичдан тушуниб етгандим, бунга бепарво қаролмасдим. Ахир, мана кеч бўлса-да, ҳақиқат қарор топди, энди ўз ишингда хушёр тур, ганимлардан огоҳ бўл, — деди Анора Маҳмудова унга.

Майдонларнинг шўри ювилди. Терак, бақатерак, шоҳтеракарлар экилди. Манбаларда ёзилишича, бир гектар жойдаги терак 340 килограмм чангни ўзига «ютиб», кислород барқарорлигини таъминлар экан. Бугунги кунда мактаб худудида йигирма минг туп терак қад ростлаган. Ҳар йили бақувват дарахтлар кесилиб, мактабни таъмирлашда ишлатилади. Ўрнига янги кўчатлар экилади. Теракзор атрофида «Ёшлар хиёбони» барпо этилди. Ўқувчиларга экология бўйича сабоқ берадиган махсус дарслар режага киритилди. Мактабда «Экология» зали ташкил этилди. «Яшиллар ҳаракати» фаолияти кучайди. Буларнинг ҳаммаси бир мақсадга йўналтирилган, у ҳам бўлса экологияни оз бўлса-да яхшилашга ҳисса қўшиш, экология билан боғлиқ хасталикларнинг олдини олишдир. Айни вақтда ям-яшил дарахтзор ва гулзорлар ўртасидаги чиройли мактаб биносида минг нафардан зиёд ўқувчи таҳсил олмақда. Мактабнинг ичкарисида ҳам «Гуллар галереяси» мавжуд. Ўқувчилар ўз қўллари билан ясаган қоғоз гуллар, ўсимликлар ва дарахтлар галереядан ўрин олган. Ҳар бир ўқувчи гул, ўсимлик, дарахт ва турли меваларнинг тарихини, шаклланиш қоидаларини, фойдалилик жиҳатларини аниқ ва пухта билишади. Шу тарзда улар табиат қонуниятларини ўргана боришади.

— «Бобурнома» асарида Андижоннинг гўзал табиати, айниқса, юртимизнинг ширин қовунлари ҳақида сўз юритилган. Қадимда эса хитой-

Рухият сабоқлари

Айнан асаб тизими организмни кураш ё чекинишга ундайди.

Инсон дардини енгиллаштирмоқчи бўлган ҳар қандай табиб аввало беморнинг руҳий ҳолатини ўрганиши керак.

Касалликнинг асл сабабини билмай қабул қилинган дори хасталикни вақтинча тўхтатиши ёки уни бошқа бир аъзога ўтказиб юбориши мумкин.

Қанча ҳаракатчан бўлсангиз, демак, ҳаётдаги ўрингиз ҳам катта.

Инсон жисму руҳи озик-овқатдан ташқари ижобий фикрлардан ҳам мислсиз қувват олади.

Касаллик ва руҳият орасида боғлиқлик борлигини биласизми? Ушбу мақолада биз касалликнинг асл сабабини беркитиб турган пардани очишга уриниб кўрамиз.

Икки минг йил аввал Сукрот шундай деганди: "Руҳа боғлиқ бўлмаган касалликнинг ўзи йўқ". Ушбу доно фикр ростлигига ҳалигача шубҳа билан қарайдиган руҳшунос ва шифокорлар бор. Дунё мамлакатларида эса кундан-кунга шу мавзуга бағишланган илмий ишлар ва тажрибалар кўпайиб бормоқда.

Қаҳр-ғазаб, алам, кўркүв, хурсандчилик каби ҳислар бевосита соғлиққа, касаллик келиб чиқишига сабаб бўлиши ҳам назарий, ҳам амалий узил-кесил исботланди. Асбоблар ёрдамида ҳар бир тўқима ўзидан радиотўлқин таратиши аниқланган, инсон мияси бундан мустасно эмас. Аниқроғи, ондаги фикрлар нақадар кучли энергия манбаи эканини тасаввур қилиш қийин кечмайди.

Олимларнинг илмий изланишлар натижасида чиқарган хулосаси шуки, фикр уни яратган одамга соғлиқ ё касаллик келтириши мумкин.

Одамларнинг кундалик муносабати қандай қилиб уларнинг саломатлигига таъсир қилади? Мулоқот — бу ҳис-туйғулар ва фикрнинг намоён қилиниши, ҳатти-ҳаракатдир. Ҳар бир иш ўз бажарувчисининг характери (табиати) билан бевосита боғлиқ — **"Ҳар бир амал кишининг ниятига қараб баҳоланиши"** каби (Ҳадис).

Инсон характери ва унинг жисмоний ҳолати орасида боғлиқлик борми? Жавоб: албатта! — бу фикр асосида юзларча психологларнинг илмий хулосаси ётади. Кўпинча одамлар бирор жиддий касалликка йўлиққач, ҳаёти, унинг мазмуни ҳақида бош қотира бошлайди. Айниқса, шифокор муолажалари ё натижа бермай, ё вақтинчалик тuzалиш кетидан касаллик сурункали тус олганда...

Ҳўш, саломатлик ва соғлом одам нима дегани? Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти саломатликка шундай таъриф беради: "Саломатлик — бу фақат касалланмаслик эмас, балки жисмоний, руҳий сиҳатлик ва ижтимоий фаровонликдир". Бизда содда қилиб "Соғ танда — соғ ақл" дейишган. Демак, руҳ соғломлиги тана сиҳатлигини билдиради. Рухшунослик тамойилига кўра, инсон бутун бошли тизимдир ва касалликни ўрганаётганда уни фақат дори билан эмас, бошқа усуллар билан ҳам даволаш йўлини излаш керак.

Инсоннинг соғлом турмуш тарзини унинг хулқ-атворини даволашдан бошлаш керак.

Таниқли психолог ва биологларнинг тан олишича, ҳар қандай касалликни биринчи навбатда руҳий хасталик дейиш мумкин. Бу дегани тиббиёт қанча чуқур ва узоқ ҳаракат қилмасин, асл илди — руҳиятни соғломлаштирмагунча касаллик томирини охиригача узиб ташлолмайди. Касаллик келтириб чиқарадиган руҳий-эмоционал талай сабаблар ҳар доим топилади. Шунинг учун ҳар қандай табиб аввало беморнинг руҳий ҳолатини ўрганиши керак. Мисол учун, психологлар олиб борган тадқиқотлар хулосаси шуки, шиддат билан авж олаётган рақ хасталикка асосан ўзини ожиз деб биладиган, меҳр, ҳурматга муҳтож, ўзини қадрламайдиганлар орасида кўпроқ учраган.

"Бахт — бу ўсаётганини англашдир", деган экан донолардан бири. Биз "бемор" деб атайдиган одамлар асл қиёфасини йўқотиб ўзига руҳий касаллик орттириб олганлардир. Демак, касаллик — бу тананинг камолотга қақирувчи, янгилик киритиш зарурлигини эълон қилувчи бонгидир. Жисман хаста бўлишдан аввал кўпчилик ўзининг руҳий қиёфасини йўқота боради. Танадаги мутаносибликнинг бузилиши шакл кўринишида онгимизга етиб келади, холос. Лекин биз бу хабарни тан олмаймиз. Ҳақиқий хасталик манбаини унутиб, тана оғригини даволашга тушамиз. Маънавий комил инсон касаллик пардаси ортида нима яширинганини кўра олади. Сабаб йўқотилса, касаллик белгисидан асар ҳам қолмаслигини билади. У давони ташқаридан эмас, ички овозидан олади.

XVIII-XIX асрларгача омаднинг юз ўгириши, севимли инсоннинг ўлими ё муҳаббатда ишончнинг оқланмаслиги жиддий касаллик келтириб чиқаришга етарли асос деб тан олинган. XIX аср охирига келиб патология ва микроскопия соҳасида олиб борилган тадқиқотлар касаллик тўқималарда бошланади, деган хулосага келинишига сабаб бўлди. Яқин йигирма йиллар ичида эса ҳар қандай касаллик ру-

ҳий илдиридан озикланиши исботланди. Айнан асаб тизими организмни кураш ё чекинишга ундайди. Асаб таранглашганда жисмоний ўзгариш яққол кўзга ташлана-

ват тарқатади ва ўзи ҳам бошқа бир фикрдан озикланади. Шундай экан, ким қандай фикр билан яшаса, унинг қувватидан куч олади. Ижобий фикр инсонни руҳан ва жисман соғлом, салбий фикрлар эса аксинча, иродасиз ва касал қилади.

Инсонга фақат жисмоний томондан ёндашиш ўта юзакидир. Тана — бу қувват тизими бўлиб, ҳар то-

қат инсон организми, балки унинг характери ҳам турли вазиятлар натижасидан ҳосил бўлган «шартли рефлекслар» йиғиндиси эканига далилдир. Яъни истаимизми-йўқми, атрофимизда содир бўлаётган ҳодисалар бизни фарқсиз қолдирмайди. Характернинг шаклланиши худди бошқа нарсаларнинг

Соғлом руҳият — саломатлик илдиэлари

ди: юрак тез-тез уради, кўз қорачиғи кенгайди, ошқозон фаолияти бузилади, жигардан шакар ажралади, буйрак ости беэи адреналин ишлаб чиқаради, тери рангсизланади. Бу жаҳл ва кўркүвда юзага келадиган ўзгаришдир. Асаб тинч турганда эса аксинча юрак бир маромда уради, ошқозон овқатни меъёрида талаб ва ҳазм қилади, терига қизиллик югурди, кўз қорачиғи тораяди, жигарда эса шакар йиғилади. Асабнинг таранглашиши одам ҳаётида бирор хатарга йўлиққанда реакцияни тезлаштириш учун зарур. Аммо кечга ё ҳали бўлмаган ҳодисаларни ўйлаб хавотирланавериш бу реакциянинг чўзилиши ва сурункали тус олишига сабаб бўлади. Бир муддатда ўтиб кетадигандек (аслида, бундай вазиятларда кўпинча бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрилмайдими) туюлган юқори қон босими шу тариха инсонни ҳалокатга олиб келиши мумкин. Неврознинг асл сабаби ҳам айнан асабийликнинг чўзилиб кетиши ва бу тажангликни ичга ютиб юришдир. Шу тариха жаҳлнинг узоқ вақт сақлаб, организм доимо хавф-хатарга жавобан ҳужум қилиш ҳолатида туради. Аслида эса у ҳеч нима қилолмайди. Руҳий хасталикларнинг бари мана шундай — асабийлик ҳолатининг доимий, барқарор тус олишидан бошланади, авж олади. Кўпчолроқ айтганда, одамлар икки тоифага: хатарга жавобан бирор ҳаракат қилувчи ва аксинча таслим бўлувчиларга бўлинади. Биринчи тоифадагилар доим асаби таранг тургани учун юқори қон босими, диабет, артрит, мускулларнинг сурункали зўриқишидан азият чекади. Уларнинг хулқ-атвори ҳатто эндокрин тизими, аниқроғи қалқонсимон безнинг захарланишига ҳам олиб келиши мумкин.

Иккинчи хил одамлар қарама-қаршилик олдида бош эгиб, тобелик ҳолатини афзал кўради. Шу сабабли уларнинг органлари курашиш ўрнига тинч, ўз маромида ишлайверади. Бундай одамлар хавф-хатарни очик қутиб олиш ўрнига худди ёш боладек ёрдам-сўрашга тушади. Бирор чора кўриш ўрнига ўзини қурбон деб сусткашлик қилавериш ҳам яхшилик билан тугамайди: бу одамларда овқат ҳазм бўлишининг бузилиши, ўн икки бармоқ ичагининг яраланиши, сурункали колитга мойиллик бор. Мисол учун, ошқозонда овқат бўлмаган пайтда ҳам ошқозон суоқлик ишлаб чиқараверади ва оқибат ўз деворларини "ея" бошлайди. Демак, соғ бўлиш учун "зўриқка қарши зўриқ" ё "мен вазият қурбониман" деган фикрлардан захардан сақлангандек эҳтиёт бўлиш керак. Демак, биз инсон қай тоифага киришини ҳисобга олмаб, касалликни ўрганиш билан ҳеч нимага эришолмаймиз.

Чикагонинг психоанализ институти олимлари беморларни касаллик ва характер хусусиятига қараб гуруҳларга ажратишди. Улар инсонлар табиати билан касалликлар орасидаги боғлиқликларни ўрганиб чиқиб, шундай хулоса чиқардилар: «Ичак фаолияти бузилган беморлар асосан характерта зоеъ кетадиган, мақсадга интилганда ўзига ишонсиз одамлардир. Улар худди ошқозон фаолияти бузилган беморларга ўхшаб ўзини вазиятга тобе деб билади. Артритда, айниқса, ревматик артритда бемор ҳис-туйғуларини изҳор қилувчи органларни ҳаддан ортик назорат қилиб, мушаклар таранглашишига сабаб бўлади. Астма энг яқин инсон билан алоқанинг бузилиши, аниқроғи она-бола ўртасидаги меҳр етарли бўлмаганидан келиб чиқади. Сурункали юқори қон босимининг энг яққол руҳий белгиси — бу хафа қилмаслик учун кимдидир ёқтирмаслигини айта олмаслик. Рухшуносликнинг жадал ривожланиши сабабли биз ҳар қандай хасталик илдиэи руҳий изтиробдан бошланишини билдик».

Ҳар бир бемор — бу шахсдир, ундаги ҳар қандай руҳий зўриқиш албатта соғлиқга таъсир этади. Ҳозирча туйғулар танани бошқариши исботланди. Лекин инсон руҳияти фақат ҳислар эмас, балки талай фикрлар йиғиндиси ҳамдир. Ҳўш, фикр қандай қилиб соғлиққа таъсир этади? Фан фикрнинг электр импульсларига эга ва инсон учун қувват манбаи деб тан олмақда. Бу ўта жиддий далил: фикр ўзидан қув-

ват тарқатади ва ўзи ҳам бошқа бир фикрдан озикланади. Шундай экан, ким қандай фикр билан яшаса, унинг қувватидан куч олади. Ижобий фикр инсонни руҳан ва жисман соғлом, салбий фикрлар эса аксинча, иродасиз ва касал қилади. Инсонга фақат жисмоний томондан ёндашиш ўта юзакидир. Тана — бу қувват тизими бўлиб, ҳар то-

қат инсон организми, балки унинг характери ҳам турли вазиятлар натижасидан ҳосил бўлган «шартли рефлекслар» йиғиндиси эканига далилдир. Яъни истаимизми-йўқми, атрофимизда содир бўлаётган ҳодисалар бизни фарқсиз қолдирмайди. Характернинг шаклланиши худди бошқа нарсаларнинг шаклланишига ўхшайди — у эҳтиёж юзасидан ривожланади. Бу фақат ижтимоий эмас, балки ички эҳтиёж ҳамдир: ҳар бир одам ўзини англаши истаиди. "Кимлардадир характер бўлмаслиги ҳам мумкин, чунки характер — бу қадр-қимматдир ва у ҳаёт давомида инсон томонидан яратилади", деб ёзган Иммануел Кант. Бу нима учун касаллик ва характер орасидаги боғлиқлиқни ўрганиш керак, деган саволга энг тўғри жавоб.

Хулқ-атвор ҳақида гап кетганда, характер ва соғлиқ ўзаро узвий боғлиқлигини биринчи бор қайд этган Райхнинг илмий хулосасини ёдга олиш зарур. Бу хулоса шуки: "Характер хусусиятлари бу — индивидни ташқи оламдан ўраб турувчи ҳимоя қобили. Неврознинг барча турлари характер хусусиятларига асосланади ва беморнинг диққатини ўз хулқ-атвори, фикрларига жалб этиб асаб муаммоларини ҳал этиш мумкин".

Биз касаллик деб атайдиган нарсаси, аслида, организмнинг нимадир нотўғри экани ҳақидаги маълумоти. Ҳар бир хатти-ҳаракат — бу характеримиз маҳсули ва бу ҳаракатлар нотўғри бўлса, танамиз бунга бизга касаллик кўринишида билдириб туради. Касалликни енгиш учун бемордан катта жасорат ва хоҳиш талаб этилади. Хасталикнинг асл сабабини билмай туриб, дори-дармон ёрдамида уни қисман тўхтатиш ва бошқа бир аъзога ўтказиб юбориш мумкин, холос.

Аъзоларингиз гапира олмайди, аммо улар сурункали шомоллаш ва грип кўринишида сизга хабар юбораверади. Чунки сиз асоссиз равишда одамларга ишонмайсиз, ўзингизга ясама душман излайсиз. Аслида эса, атрофдаги минг-минглаб одамларни яқиндан билмай туриб, бундай хулоса чиқаришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Хасталикнинг асл сабабини билмай туриб, дори-дармон ёрдамида уни қисман тўхтатиш ва бошқа бир аъзога ўтказиб юбориш мумкин, холос.

Аъзоларингиз гапира олмайди, аммо улар сурункали шомоллаш ва грип кўринишида сизга хабар юбораверади. Чунки сиз асоссиз равишда одамларга ишонмайсиз, ўзингизга ясама душман излайсиз. Аслида эса, атрофдаги минг-минглаб одамларни яқиндан билмай туриб, бундай хулоса чиқаришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Ҳаётни кенг қамровда тасаввур қилиш, унда нима муҳим, нима номуҳим эканини билиш, кундалик муаммоларга ечим топиш билан бирга яшашнинг асл мақсадини англаш, қай йўлдан қаерга боришни билиш — бу ҳар қандай олимликдан-да устун бўлган нарсаси — доноликдир", — деган эди С. Рубинштейн. Дарҳақиқат, билим бу ҳаммаси эмас, унданда кучли ва зарур ашё — доноликка одамга жисмоний ва руҳий носоғломликнинг асл сабабини кўрсатади.

Шундай қилиб, илмий хулосаларни умумлаштирадиган бўлса, АРТРИТ, РАДИКУЛИТ ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олмайдиган одамларда; ОШҚОЗОН хасталиклари қаттиқ хавотирланиш, кўркиш, ўзини бошқара олмаслиққа мойил инсонларда; ИЧАК касалликлари ўзини етарли даражада яхши кўрмайдиган, дадиллик етишмайдиганларда; КЎЗ касалликлари ўзига эътибор бермайдиган, ишонмайдиган, ишларини пухта бажармайдиган, ЙЎТАЛ, БРОНХ, ЎПКА касалликлари ўз ҳиссиётларини бошқара олмайдиганларда; БОШ ОҒРИГИ ўзига ишонмайдиган, иродасиз ва туйғуларини бошқара олмайдиганларда кўпроқ учраган. СУРУНКАЛИ ШАМОЛЛАШ — одамовилик оқибати экан.

Ишонинг, касаллик танангизга неча йил зўғум қилаётган бўлса, демак сиз шунча вақт зарарли фикрлар гирдобиде яшаган бўласиз. Ҳар биримиз ер ўз-ўзидан айланмаслиги, уни қудратли зоти олий ҳаракатга келтираётганини биламиз-у, негадир худди шу Меҳрибон ва қодир Яратувчи куну тун бедор этиб қўйган ўлкамизни ўзи микроб ва совуқ шомоллардан асрашини ҳаммиша ҳам ёдда тутавермаймиз, умид ва ишончларимизни тарозининг бошқа палласидаги хавотирларимизни босиб кетади. Энг муҳими, яхши ният ва яхшиликка ишончнинг собитлиги — икки оламда ҳам жисму руҳимизни омон ва саломат асради, иншооллох!

Мавлоно Жалолиддин Румий айтганларидек, ҳарки "ичимиздаги — ичимизда" — ўзимиздадир.

Гулгун СУЛТОНОВА

тайёрлади

9 май – Хотира ва қадрлаш кун

Мухаммаджон, ўзингиз айтганингиздек, умр қисқа, орзулар эса беҳисоб бўларкан. Аммо имкон қадар абадият чўққисига интилиб, ўзимиздаги яхши хислатларга йўл очиб яшамокка не етсин! Зеро, Сизнинг тимсолингизда шунга амин бўлаётганимизки, миллийликдан руҳланган, умум манфаати учун хизмат қилган одам ҳеч қачон ўлмас экан...

Кўрапсизми, яна баҳор келиб, унинг хусну таровати борлиқни яшнатди. Қушлар чуғури, гуллар ифорида туганмасдек бир жонланиш, кўҳнамасдек янгилаш. Олам бизга борини кўз-кўз қилиб кучоқ очганда, чиндан ҳам мангуликни туясан. Махлиё бўлиб унга талпингизларнинг қувончи осмон қадар чексиздир. Бироқ дунёнинг гайр қондалари шунчалар кўпки, ҳеч ким ундан қочиш қутилган

ўрнида кўрамиз-у, уни баралла айтишнинг уддасидан чиқа олмаймиз. Халқ ичида обрў топиб, ўзимизни кўпдан баландроқ тутиш йўллари излаймиз. Замин қолиб, самога бўйлашамиз. Айримларимиз учун одамлар дардини «дардим» дея айтиш шунчаки ҳавойи, ялтироқ сўзлар бўлиб қолган. Сизнинг йўригингиз эса асло тақлидсиз эди. Барчага баробар дўст бўла олардингиз.

масида ишлайдиган дўстингиз бор-ку. Ўша кишини кўриб қолдик. Мени ёнларига чақириб олиб, ўқишим, мақсадларим билан қизиқдилар. Имкон борида яхши ўқишим кераклигини айтиб, яна кўп маслаҳатлар бердилар. Бу гапни эшитиб кўнглим тоғдек кўтарилди...

Эсингиздами? Тошкентдаги сўлим анҳор бўйидаги чойхонада узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Табиат ва гўзаллик ҳақида кўп шеърлар ўқилди. Шунда тубидан буралиб, шарор ҳосил қилаётган сувга тикилганча, бир истагингизни айтдингиз: «Келинлар, бир оқшом гулхан атрофида йиғилишиб, мана шундай мушоира уюштирайлик». Орадан

Хозирги ёшларга қойил қолмасдан иложинг йўқ. Улар тадбиркорлик билан шугулланиб, хориж мамлакатларидаги ишбилармонлар билан дадил алоқа қилишяпти. Яқинда Германиянинг Дрезден шаҳридан қайтган ўғлимнинг дўсти:

— Шаҳарнинг энг гавжум жойига икки ҳарбий учувчига ёдгорлик ўрнатилган, уларнинг ҳар иккиси Ўзбекистондан бўлиб, бири Поп туманидан экан,— деб қолди.

Бу гапни эшитиб Погга қараб йўл олдим...

титради-да, чап тарафга бурилиб, тезлик билан пастлай бошлади.

— Самолётдан сакранглар! Сакрашни буюраман! — деган овоз команда пунктидан келарди.

Пастда эса улкан шаҳар, гўж бинолар оқариб кўринар, уларда одамлар, эҳтимолки, Владислав

Бевақт сўнган юлдузлар...

улар ҳамюртларимиз эди

Учувчи Владислав Кожевников ўқиган 26-мактаб жамоаси собиқ ўқувчисини яхши эслашади. Ҳатто Владиславга бағишланган махсус бурчак ташкил этилган.

Владислав билим юртини аъло баҳорларга тугаллаб, авиация қисмларида хизмат қила бошлаган дастлабки пайтлардаёқ ҳамкасбларининг эътиборига тушди. Ўзига бириктирилган жанговар ҳаво лайнерини зўр маҳорат билан бошқариб, бошқаларга ўрнак кўрсатди. Машқларда юқори натижаларни қўлга киритди. Хизмат даврининг дастлабки икки йили ичида икки марта «Жасуриги учун» медали билан мукофотланди. Муддатидан илгари ҳарбий унвони оширилди. Хуллас, Владиславнинг келажаги ҳар томонлама порлоқ эди.

Бу мудҳиш воқеа 1966 йилнинг 22 июлида содир бўлди. Ўша кун аслада Владислав учун дам олиш кун эди. Уйда ётиб мириқиб китоб ўқишни ёки телевизор кўришни, уйдан гилар унашса, кинога тушишни ёки театр томошасига боришни мўлжаллаганди. Бироқ касбга муҳаббат гоҳи ҳамма нарсдан голиб чиқаркан. Владислав учун офтоб ёғдусида «пўлат қуш»лар ялтираб турган кенг аэродром, жасур ва хушчақчақ учувчи дўстлари, борлиқ титроқ соладиган самолётлар гулдуроси ҳамма нарсдан афзал, ҳаммасидан ёқимли эди. Ана шу ҳис устун келди, нонуштадан кейиноқ одатдагидек хизмат жойига қараб йўл олди.

Самолётлар осмон кўйига ўқдек отилишар, бўшлиқда мураккаб фигуралар яшашар, сўнгра жанговар машқли учишлар ўтказиш худудига қараб йўл олишарди. Владислав мизанзараларга бир фурсат тикилиб қолди. Ҳамкасб дўстларининг

маҳоратига ичдан таҳсин ўқиди. Таниш-билишлар билан ҳазиллашиб команда пунктидан чиқиб келаётганида кўшни звено командири Анатолий Максимовни учратди. Анатолий негадир тажангроқ кўринар, доимо пишиқ-пухта кийинадиган йигитнинг шлёми ҳам қийшайиброқ турарди.

— Қарагин, шеригим худди атайлаб қилгандек касал бўлиб қолса-я, — деди жигибийрони чиқиб. — Ахир, бугун ҳафталик жанговар машқимизнинг якуни чиқарилади. Мен уча олмасам, звенони ким бошқаради?

Владислав бир дақиқа туриб қолди.

— Хўш, мен шерик бўлсам, нима дейсан?

Анатолий Владимирович ишонмагандек қошларини чимирди.

— Ўзингнинг самолётинг-чи?

— Мен бугун дам оламан. Анатолий билан Владислав командир ҳузурига киришди. Командир ананг рухсат берди. Анатолий шерик топилганидан, Владислав эса бугун ҳам самолёт штурвалини тутишга имконият туғилганидан хурсанд эди.

«Пўлат қуш» энгилгина парвоз қилди. Ҳаво очик, кўкда парча булут кўринмайди. Феруза осмон шундай тиниқ, осудаки, бетўхтов юксакликлар сари чиқарверсам, дейсан. Самолёт йигирма йигирма икки километрларча баландликка кўтарилди. Пастда бири иккинчисига уланиб кетган шаҳар-қишлоқлар, ямояшил экинзорлар, бепоян ўрмонзорлар...

Жанговар машқ ниҳоясига етай деб қолди. Шу маҳал нимадир гумбирлади. Самолёт қаттиқ силкинди. Анатолий билан Владислав бир-бирларига қарашди. Лайнер ҳолатини тез ўзгартириб борарди. Энди у учувчилар измили учишлар ўтказиш ҳам тандирдек қизиқ келтирганди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, штурвал олдидаги приборлар ишдан чиқди, самолёт бирданига қаттиқ

нинг қизи сингари гўдаклар, кекса ота-онаси қатори қариялар, балки бугунгина турмуш қурган бахтиёр келин-куёвлар яшаётгандир.

— Буюраман, сакранглар! Сакрашни буюраман! — ердан ҳамон шу буйруқ такрорланарди.

— Шаҳардан чиқишимизгача қанча қолди? — Анатолий Максимовичнинг босиқ овози эшитилди.

— Ўрмонгача улгурамиз, ўрмон олди сайҳонлик, ботқоқли майдон! — қатъият билан жавоб қайтарди Владислав.

Самолёт учувчиларга бўйсунгиси келмас, аммо йигитларнинг зўр ирода кучигина уни шаҳар устидан олиб чиқаётган эди. Пастда одамлар осойишта, одатдаги кундалик юмушлари билан банд, бошлари тепасида қандай хавф-хатар вужудга келганини билишмасди. Орадан сал ўтмай, шаҳардан сал нарида, ўрмон бошланишидаги ботқоқликнинг кун чиқар томонида бўйиқ гумбирлаш, сўнгра портлаш эшитилди. Бу товуш шаҳар чеккасидаги экинзорларда меҳнат қилаётган деҳқонлар кулоғигагина чалинди холос.

...Шаҳарда ҳаёт одатдагидек давом этар, кимдир газлама тўқир, ўқувчи янги дарсни ўзлаштирар, кичкинтойлар қувноқ кўшиқ куйлар, меҳмонга борганлар рақс тушишарди. Шу лаҳзада улар бошига тушиши аниқ бўлган хавфни бартараф этган, эндигина йигирма беш баҳорни қаршилаган, ҳаётда ҳали кўп нарсани кўрмаган, аммо яшашни қаттиқ севган икки йигит ботқоқлик қаърида мангуликка юз тутган эдилар.

Осмонда яқинлаб бир юлдуз учди, Зин-зиб бўшлиқни ёритди бир дам. Милитлаб из қолди ортидан унинг Сўнгра мангуликка бўлиши ҳамдан. Узгалар бахти, деб қурбон бўлганлар Қалбида жўш урган бекиёс туйғу. Шу юлдуз мисоли улар номин ҳам Тарих китобига ёзишди бир мангу.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

Гулхан ёнар, ёнганда сиз йўқ...

Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуфни хотирлаб

эмас.

...Ижодхонамда кўпроқ ўтириб қолибман. Бошим «тарс» ёрилай деяпти. Бу ёғи энди фойдасиз. Стол бурчагидаги «пульт»ни олиб, фикримни чалғитиш учун телевизорни кўяман. «Ёшлар» каналида пойтахтда бўлиб ўтган «Наврўз» байрами шодиёналари такрор намойиш этилаётган экан. Гулли навдалар кўтариб олишган раққосалар экран юзини тўлдириди. Таниш тарона руҳимга сингиб боради:

«Сочимда оқ, мен баҳордан ўтдим,
Кўкламойим, кўкиндан бер
бир чимдим».

Қанчалар жонбахш, қанчалар латиф сўзлар! Уларни ўзимча тунда ёзган мисраларимга қиёслаб бошлайман. Барини «тарози»нинг бир палласига, оҳанг қатидаги мисраларингизни эса иккинчи палласига кўяман. «Дабдабаси келишди-ю, аммо нега уларни ана шундай соддароқ, халқона чиқара олмадим?» Дилимдан кечган бу гапнинг ҳасад эмаслигига ишонасиз. Шу боис, хотиржам туриб, таронага жон кулоғимни тутаман:

«Жон устида асраб юрай кўки мен,
Тўйиб-тўйиб кўзга сурай кўки мен.
Яна сенга етаманми-йўқми мен?
Кўкламойим, кўкиндан бер
бир чимдим».

Яратган қаёқдан, «сенга етаманми-йўқми мен», — деган сўзни кўнглингизга солди? Бу тантилиқни бўйинга олишга бирин-кетин улгурмасидик, азизим?

Ўзи шунақа, ҳамият, гурур, ростгўйлик ҳақида кўп гапираримиз. Аммо гоҳида ўзимизнинг ҳам ундан чекинган пайтларимиз бўлади. Иллатни иллат

Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бунга ҳам ўттиз йилларча бўлиб қолди-ёв. Тошкентдаги «Баҳор» концерт залида жуда нуфузли шеърят кечасига жамландик. Кечани севимли шоиримиз Эркин Воҳидов бошқариб борардилар. Таниқли ва ёш шоирлар бирин-кетин шеър ўқий бошлашди. Биров оҳангдор, равон, кимдир виқор билан мисралар шодасини даврасари сочади. Анчадан кейин сизга навбат етди. Микрофон ёнига бориб, бироз ўйчан турдингиз. Кейин эса хиёл бўйиқ овозда дона-дона шеър ўқий бошладингиз: «Самарқандга борсам мен агар...» Шу пайт узлуксиз қарсақлар бошланиб қолди-ю, сиз шеърни яна бошидан ўқидингиз:

«Самарқандга борсам мен агар,
Улуғбекни кўриб қайтаман.
У қон йиғлаб турар ҳар сафар:
Мен дардимни кимга айтаман?»

Бир неча бор шеърдан завқланиб чалинган қарсақлар ўша дамлардаёқ жўшқин ижодингизга берилган баҳо эмасиди? «Халқлар дўстлиги» саройида таваллудингизнинг 40 йиллигига бағишланган концерт ва учрашув кечаси-чи? Атиги 10-15 дақиқалик чиқишингиз давомида шунчалар халққа яқинлашиб олдингизки, бунақасини камдан-кам кўрганмиз. Халқимиз хотирасида сизга бўлган ҳурмат-эҳтиром яна юз йилларда ҳам сўнмаслигига ишонаман.

Талабалик кунларининг бирида ўғлим Самариддин тўлиб-тошиб сиз ҳақингизда сўзлаб қолди: «Дадажон, Ўзбекистон Ёзувчилар уюш-

йиллар ўтиб, кўнглига яқин дўстлар билан кўм-кўк адирликда давра кўрдик. Оқшом тушиб қолганда эса қуруқ ўтин териб, гулхан ёқдик. Гўзаллик, ҳатто қизлар ҳақида қувноқ шеърлар ўқилди. Бугун ҳам авжи баҳорда қирга чиқиб гулхан атрофида мушоира уюштирамиз. Фақат... Фақат ёнимизда сиз йўқсиз».

Мухаммаджон, кўпчилик сиз каби гўзал ва уйғоқ қалб соҳибининг ўтиб кетганига сира ишонмайди. Негаки, сизни дунёга келтирган муборак кун борлиқ янгилаш ва яшилликка, турфа рангларга бурканган баҳор кунларига тўғри келарди. Шундай экан, сизнинг истакларингиз, янги кун тўқисликлари ила унинг замирида жонланаверади. «Кўкламойим»нинг ҳаргалги «кўк»ларида, саф торган турналар «қурей-қурей» садаларида ўша бўйиқтоб, маъюс овозингизни эшитгандай шодланамиз. Анҳорлар шашти ва шарорида, борлиқни безаган турфа гуллар нашъу намосида эса нозик, серстиҳола таъбингиз жилосини илғаймиз.

Шеърят аталмиш қадимий гулхан тоабат ёнаверсин. Оташин шеърларингиз унинг атрофини сизнинг ёдингиз ила тўлдириб келаверсин!

Мансур АЛОВУДИНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Мулоҳаза

«Кўёш ботаётган маҳалда умримнинг кўпи кетиб, ози қолди, дея эслаб туриш керак». Машхур ёзувчи Чингиз Айтматов асарига ўқиган ушбу жумлалар ҳамон мен учун жумбоқлигича қолмоқда. Бир савол тинчлик бермайди сира: кизик, нега айнан кўёш ботаётган маҳал? Балки умримиз ҳам кўёш чиқиб ботгулик фурсатга киёслангандир. Бажарилган ишлар сарҳисоби умр поёнида қилинишига ишорадир бу. Топганларимизга шукрона, йўқотганларимизга надомат қиладиган сўнгги паллада эса гўзал амаллар ила кўнгил тўлишига не етсин.

Хаёлдан кечади яна бир савол. Фанимат дамларни фойдали ишларга бағишламоқ учун кимнингдир даъватини кутиб ўтириш шартми? Имкон қадар ўзимиздан яхши ном қолдириш учун фурсат кутмоқлик кейин надоматга сабаб бўлмайдими?

Донишмандлар умр сарҳисобини кечган вақт, яшаган умр билан эмас, балки шу давр мобайнида қилинган амаллар билан ўлчашар экан. Демак, бундан кўриниб турибдики, инсоннинг қанча яшагани эмас, қандай яшагани муҳим аҳамиятга эга.

Барча жараённинг ибтидоси ва интихоси бўлгани каби инсон умрида ҳам туғилмоқ, яшамоқ ва вақти-соати келиб бу дунёни тарк этмоқ қонуният мавжуд. Вақт дея аталмиш олий ҳакам эса ҳаёт давомида қилинган амалларнинг барчасини сарҳисоб қилади. Дарвоқе, биз ана шу вақтнинг қадрига ета олаёلمизми? Олтинга тенг дақиқалардан унумли фойдаланаялмизми?

Шу ўринда шоирнинг куйидаги мисралари ёдга тушади:

Вақт сенга қул бўлмас асло,
ундан кутма мурувват, таъма.
Сингил унга, ёлворгин, авра,
бир амаллаб вужудга қама —
Қул бўлмас сенга, барибир,
вақт ҳаминша ҳушёр жангари —
ёриб ташлар жисмининг ногоҳ,
чиқиб кетар сендан ташқари.

Ушбу мисраларда вақтнинг қиймати жуда содда тарзда ифода этилган. Уни англаш қийин эмас.

Шоир айтганидек, вақт ҳеч кимга шафқат қилмаган ва қилмайди ҳам. Шундай экан, ҳар бир сонияда умрни безатишга интилоқ, ҳатто оний лаҳзалар инсон тақдирини учун нечоғлик қимматли эканлигини унутмаслик зарур.

Бирор киши билан тортишиб қолгудек бўлсак, аниқ тўхтама


келолмай қолган ҳолларда «Натихасини вақт кўрсатади», дея баҳсга яқун ясаймиз. Маълум бир ҳодиса тафсилотларини баён этишда «аввало», «ниҳоят» каби

Кўнглим тўлчу бўлсин мўдлом

сўзларни қўллаймиз. Учрашув белгилаш, топшириқни бажаришда ҳам албатта вақтга урғу берамиз. Хуллас, вақт бутун борлигини қамраб олган. У ҳамма жойда мавжуд. Вақт — кеча, бугун, эртага. Вақт — болалик, ёшлик, навқирон дамлару кексалик. Вақт — қиш, баҳор, ёз, куз. Умуман, у туғилганимиздан умримизнинг сўнгги кунларига қадар яхлит ҳолда биз билан бирга.

«Вақт ўтаяпти, деймиз. Бўлмаган гап. Вақт эмас, биз ўтиб кетаялмиз. Вақт биздан аввал ҳам бўлган, биздан кейин ҳам бўлади», деган эди файласуфлардан бири. Инкор этиб бўлмайди бу оддий ҳақиқатни. Кимдир олиб-югуриб, кимдир сокин яшамоқда. Тонг отиб, кун ботмоқда. Биров умри ўтаётганлигидан афсусланиб, ўзга киши ёшига ёш қўшилаётганидан мамнун бўлиб яшамоқда. Вақт гилдираги эса ҳеч кимга, ҳеч нимага қарамай бир маромда айланмоқда.

Негадир кейинги пайтларда «Вақт жуда шиддат билан ўтиб кетаяпти. Бирор ишга улгуролмаялман», «Вақт шу қадар секин ўтаяптики, фалончининг келишини ку-



тавериб зерикдим», «Телесериал бошлангунга қадар бир оз мизғиб олсаммикин, барибир кутганда вақт секин ўтади» деган гап-сўзлар тез-тез кулоққа чалиниб қолади. Энг ёмони, шу аснода инсон ўз-ўзига душманлик қилаётганини тушунмайди.

Жаҳонга чиқиш учун кенг имкониятлар яратилган, барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган айни замонда айрим кимсаларнинг арзимас юмушларга ёки эрмакларга вақтини сарфлаётгани, уни беҳуда елга совраётганини кўриб ачинасан, киши. Бугун аксарият кишилар мунажжимлар башорати-га қараб иш тутишни афзал билишади. Хўш, улар самовий ўлчовларга қараганда инсон умри анчайин қисқа эканлигини билишармикан? Минг йиллик чинорлар, асрий обидалар, авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган осори атиқалару қимматбаҳо буюмлар, инсониятни ҳайратга солган не-не мўъжизалар бор. Аммо инсон умри ўлчовли, чегараланган. Уни абадиятга муҳрламоқликнинг йўллари ниҳоятда кўп. Улардан бири яхшилик қилмоқликдир.

Яхшилик. Эзгу амаллардан бири. Уни адо этмоқлик ҳаммининг қўлидан келади. Фақат у пича эътибор, бир чимдим меҳр ва кўнгил майли бирла вужудга келади. Ҳар ким дунёни ўз қаричи билан ўлчагани каби бу тушунчани ҳам ўзича талқин қилади. Кимдир инсонларга яхшилик қилмоқликни ўзига одат айлаб олади, кимдир эса буни бурч деб билади.

Кишининг атрофдагиларга меҳр кўрсатиши, мурувват айлаши туфайли кўнгил таскин топади. Уни ҳис этмоқликка не етсин. Бунинг учун ҳам вақтнинг қадрига етмоқ зарур.

Таассуфки, баъзан бу оддий ҳақиқатни ҳамма ҳам тушуниб

етавермайди. Гоҳида кичикроқ бир тадбирларни ўтказиш учун ҳафта-лаб, ҳатто ойлаб вақт сарфлаймиз-у, бебаҳо лаҳзалар бой берилётганини ўйламаймиз. Ёхуд бирор нарсамиз қўлдан кетса куйинамиз-у, вақтимиз йўқолгани ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Беҳуда сарфланган вақт эса қачондир кишини виждон азобида дучор қилиши мўқаррар.

Хизмат юзасидан бир йил чет элда яшаган дугонамнинг айтишича, у ерда ҳамма учун вақт азиз ва

қадри ҳисобланар экан. Раҳбарлардан тортиб оддий ходимларга, кексалардан то мактаб ўқувчиларига қадар ҳамма-ҳамма вақтни ниҳоятда тежаб, режа асосида иш юритишар экан. Тартиб билан ишлаш, вақтни тежаш одатга айланган.

Ҳар куни, ҳар соатда турли ахборотлар орқали олимлар ва ихтирочиларнинг кашфиётларидан хабардор бўламиз. Теранроқ мушоҳада юритадиган бўлсак, уларнинг ҳаммаси ҳам вақтни тежашга хизмат қилишини тушуниб етиш мумкин. Биргина компьютерни олиб кўринг. У қанчадан-қанча мураккаб вазифаларни бажариб, ҳам вақтимиз тежалишига, ҳам ишимиз унумли бўлишига ёрдам беради. Ёхуд бошқа техника воситалари ҳам уйда, ишда, кўча-кўйда бизга энг яқин кўмакчи.

Масаланинг яна бир томони, чет элларда мавжуд бўлган имкониятлар бизда ҳам бор. Жаҳон андозалари билан тенглаша оладиган иш жойлари, ўқув масканларида барча замонавий шароитлар яратилган. Энг сўнгги техникалар ҳаётимизга аллақачон кириб келган. Аммо биз улардан самарали фойдаланаялмизми? Афсуски, беш қўл баробар эмас. Соатлаб компьютер ўйинлари ўйнайдиганлар, ақлли техника воситаларидан бекорчи хўжаларча вақт ўтказиш учун эрмак сифатида фойдаланаятганлар озмунчаи орамизда?

Нега энди биз чет элдан сўнгги урфда кийинишни, кўшиқ айтишни, рақсга тушишни ёки ўзимизни жалб этган бошқа нарсаларни ўрганишга уриниб тақлид қиламиз-у, вақтни тежашга келганда эса... Ҳолбуки, тақлид фойдали нарсаларга нисбатан қўлланса, албатта, ижобий натижага эришилади.

Инсон ақл-идрок соҳиби. У барча ишга қодир. Ўзи учун берилган имкониятлардан, табиат инъом этган неъматлардан ҳам фойдаланиш унинг қўлида. Шунингдек, вақтни ҳам ўз измига бўйсундириш эмас, балки унга итоат қилган ҳолда меҳнат қилса, ниятига етиши шубҳасиздир. Зотан, шоир айтганидек:

Ҳалиям кеч эмас,
ҳали бор фурсат,
ахир вужудамас, қалбадир қувват.
Лаҳзада ўзингни ўзинга кўрсат,
Эҳтимол, бўлмайди эртага бу вақт.

Ҳидоят Жўраева,
«Ишонч» муҳбири

Бизнинг ёшлар

— Ўғлим, хунарингиз борми?— сўрабди бир кун донишманд олдиға келган илм ихлосмандидан.

— Насиб қилса энди ўрганамиз, тақсир,— жавоб қилибди йигит.

— Ундай бўлса аввал хунар ўрганиб, кейин келинг, — дея уни қайтариб юборибди донишманд.

Бугун кўпчилик ёшларимиз халқимизнинг авлоддан авлодга ўтиб келаётган аънавий-амалий хунармандчилик турларидан беҳабар. Замонавий касб эгаси бўлиш, ҳуқуқий, иқтисодий ва компьютер билимларини эгаллаш яхши, албатта. Лекин масаланинг иккинчи томонини ҳам унутмайлик-да. Модомики, ота-болаларимиз қолдирган мерос, улар томонидан яратилган санъат асарлари ҳалигача дунё аҳлини ҳайратда қолдириб келаётган экан, демак унга эҳтиёж бор.

Шукрки, унутилаёзган қадриятларимиз мустақиллик туфайли қайта жонланди. Жумладан, 1997 йил 31 мартдаги «Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Президент Фармони ва хунармандларнинг 2008 йил 1 апрелгача даромад солиғидан озод қилиниши барча санъат ихлосмандларини хурсанд қилди.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган «Мўъжаз санъат» студияси ҳам ана шу рағбат натижаси ўлароқ 2004 йилда ташкил топган. Ушбу студия миниатюранинг китобий ва деворий услубидаги суратлар чизиш ва уни хорижликларга сотиш билан шуғулланади. Бу ерда яратилган асарлар Германия, Франция, Япония ва шу каби бир қанча давлатлар кўргазма залларидан жой олган. Шунингдек, Ўзбекистонга келган хорижлик меҳмонлар эътиборини қозониб келмоқда.

Студия «Ташаббус» кўрик-танловининг республика босқичида бу йил учинчи ўринни эгаллади. Бу ерда амалга оширилаётган савобли ишлар ҳам талайгина. Хусусан, пойтахтимиздаги 21- ҳамда 22-Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига расм сирларидан сабоқ берилмоқда. Чизиш учун керак бўлган барча ўқув қуроллари билан таъминлаш ҳам студия зиммасида. Кўнгли ярим тарбияланувчилар ўз устоз акаларидан миннатдордирлар. Келажакда улардан ажойиб хунарманд, мусавир етишиб чиқса не ажаб.

Мўъжаз санъат

Мўъжизаси

Уларнинг бошқалардан фарқи йўқ. Тафовут шундаки, йигитлар сурат чизиш билангина чекланиб қолмай, маҳсулотини бозор талаблари асосида тайёрлаб сотиш ҳақидаги замонавий билимларга ҳам эга.

Азим Алибеков асли жиззахлик. Расм солишга болаликдан қизиққан. Иштиёқ уни Республика Рассомлик коллежига етаклаб келди. Ўқишга киргач, уни қадимий китобларга ишланган миниатюра суратларидаги ранг-баранглик қизиқтириб қолди. Таниш-билишлари Абулқосим мадрасасига боришни тавсия қилдилар. Шундай ҳам қилди. Аънавий устоз-шогирд мактабида Жалолиддин ака Ашраповдан миниатюра ранглари жилоси сирларини ўрганди. Дўстлар ортирди.

Коллеждан сўнг Камолддин Беҳзод номидаги расмчилик ва дизайн институтига ўқишга қабул қилинди. Талабалик даврида А.Алибеков Тошкент шаҳар ҳокими

томонидан ўтказилган «Қўли гул уста» танловида 1-ўринни эгаллаб, беҳиз бу касбга меҳр қўймаганлигини исботлади. Ҳозирда у Хунармандлар уюшмаси аъзоси.

Азим Алибеков коллежда ўқиб юрган даврда Тошкент Давлат иқтисодий университетидеда ўқийётган, бўш вақтларида миниатюра санъати билан астойдил шуғулланаётган Жамшид Сайдалиев билан ака-ука тутинганди. Ўша пайтда улар студия ташкил қилиш ҳақида кўп ўйлардилар. Ниҳоят уларнинг орзулари ушалди. «Мўъжаз

санъат» студияси вужудга келди. Ташкилий ишларга Жамшид югуриб-елган бўлса, қолганини Азим уйдалади. Кейин сафларига аънавий мактабни тамомлаган қобилиятли тенгқурларини тортдилар. Ҳозир уларнинг қилган ишларидан кўзингиз қувонади.

— Ижод эркинликни талаб қилади. Шаклланиб бўлган ёки қотиб қолган одам олдида ишлаш кишини биров сикиб қўяди. Чунки қилган ишининг ўзинга эмас, аввал унга ёки киши керак бўлади. Натижада кўнглингиздаги сурат чиқмай қолади, — дейди Азимбек биз билан суҳбатда.

Ҳа, бу ёшларга ҳавасинг келади. Миниатюрани янада ривож топтириб, келажак авлодларимизга етказишни ўз бурчлари деб билаётганликларининг ўзиёқ уларнинг ким эканлигини кўрсатиб турибди.

Абдор УМАРКУЛОВ,
«Ишонч» муҳбири

Ривоят ва ҳақиқат

Буюк саркарда Александр Македонскийнинг қабри қаердалиги ҳали ҳануз мозийнинг жавоби топилмаган саволларидан бири бўлиб қолмоқда. Кўплаб тарихчиларнинг фикрича, у Бобилда вафот этган. Саркардалар ўртасидаги тортишувлардан сўнг яқин дўсти ва ворисларидан бири Птоломей I унинг тобутини Мисрга, Александрия шаҳрига олиб кетади ва шу ерда Искандар тобутининг изи тарихчилар учун мангуга йўқотилади. Баъзилар уни Мисрдаги Амон ибодатхонаси роҳиблари яширишган деса, баъзилар Юнонистонга олиб кетилган, деб тахмин қилади.

Биз тўхталмоқчи бўлган подшо Искандар қабри эса Юнонистонда ҳам, Мисрда ҳам эмас, шундоққина ўзимизнинг Марғилон шаҳридадир.

Ушбу зиёратгоҳ ҳақида Марғилон шаҳри тарихи билимдонларидан бўлган Нодирбек Абдулаҳатов билан суҳбатлашдик.

— Подшо Искандар мазори шу ном билан аталувчи маҳаллада жойлашган бўлиб, бу ердаги масжид ва мадраса ҳам унинг номи билан аталган. Кўкун хонлари даврида зиёратгоҳ ихтиёрида кўплаб вақф ерлари бўлган. Маҳаллий аҳолидан олинган маълумотларга кўра, подшо Искандар мазори икки қаватли мадраса ҳовлисида жойлашган. Қабр олдидики кичик бир ҳовуз, мадраса атрофини ўраган девор ортида эса маҳаллий қабристон жойлашган эди. Подшо Искандар мадрасаси икки — Кўҳна ва Янги мадрасалардан иборат бўлган. Бу ҳақда 1894 йилга оид архив ҳужжатлари сақланиб қолган.

1938 йилда Искандар мадрасаси билан яқиндан танишган этнограф А.К.Писарчик келтирган маълумотларга кўра, мазор пишиқ гиштдан квадрат шаклида қурилган бўлиб, ҳар бурчагида миноралар қад кўтарган. Мазорнинг фарб томонида подшо Искандар Зулқарнайн номли мадраса жойлашган. 1938 йилда бу мадраса биноси артелга айлантирилди.

Мазор ва мадраса атрофини ўраб олган деворга эътибор берадиган бўлсак, унинг турли ўлчамлардаги гиштардан қурилганлигига гувоҳ бўламиз. Бу эса деворнинг асрлар давомида кўп марта таъмирдан чиққанлигини англатади.

Фарғона вилояти Ўлкашунослик музейида яқинда 2000 йиллиги нишонлиниш кутилаётган Марғилон шаҳри тарихи ҳақида кенг маълумотлар мажмуи ташкил этилган. Байрам арафасида музей янги-янги кўргазмалар билан тўлдирилляпти. Марғилондаги қадимий хунармандчилик турла-

Архив



Марғилондаги... Искандар қабри аслида кимга тегишли?

ри, шаҳарнинг ўтмишдаги ва ҳозирги манзаралари, ундаги адабий муҳитни акс эттирувчи маълумотлар тарих илҳомландирини бепарқ қолдирмайди, албатта.

Искандар Зулқарнайн тобути масаласида музей хазина бўлими илмий ходими Робия Бобохонова билан суҳбатлашдик.

— Фарғона давлат музейининг энг катта коллекцияларидан бири, бу сурат ва негативлардир. Ҳозирги кунда Туркистоннинг XIX аср охирилари — XX аср бошлари тарихидан ҳикоя қилувчи 21 мингдан ортиқ асл ойнали негативлар сақланмоқда. Улар орасида Марғилоннинг қадимий обидалари суратлари ҳам бор. Подшо Искандар мадрасаси сурати ана шундай қимматбаҳо экспонатларимиздан бири. Бу мадраса ҳақидаги илк маълумот 1813-1814 йилларда Кўкун хонлигига хелган таржимон ва сайёҳ Филипп Назаровнинг «Осиёнинг ўрта қисмидаги баъзи халқлар ва ерлар ҳақида ёзувлар» китобида келтирилган. «Шаҳарда кўплаб қадимий ва улкан ёдгорликлар бор, — деб ёзилади унда. — Уларнинг баъзилари жуда яхши сақланиб қолган. Шаҳар марказида қизил шойи байроқ ўрнатилган очик ибодатхона шаклидаги бино бўлиб, кўкунликлар уни Хиндистондан қайтаётиб саҳрода

ҳалок бўлган ва шу ерда дафн этилган Искандар Зулқарнайнга тегишли, деб билишади.

Марғилонда янги ҳокимлик тайинлаш пайти шаҳар диний уламолари байроқни олиб, дуо ўқиган ҳолда шаҳар кўчаларидан ўтади ва ҳокимни табриклашга боради. Ҳоким байроққа қимматбаҳо матолардан боғлаб руҳонийларга хайрия қилади. Уларга пул, нон ва олма улашади».

Ривоятларга кўра, Фарғона водийсига форс юртидан муҳожир бўлиб келган деҳқонлар подшо Искандар ҳозирги Марғилон ўрнидаги яйловдан ўтиб кетаётган вақтида унга арз билан келишади ва бисотларида бор бўлган биргина товук ва нон тортиқ қилишади. Искандар улардан «бу нима?», деб сўраганда «мурғ ва нон» деган жавобни олади.

Мусофирлар соҳибқирондан шу ерга улар учун ватан қуриб беришини илтимос қилишади ва Марғилон шаҳри бунёд бўлади. Искандарнинг шаҳарлар барпо этишга иштиёқманд бўлганлигини ҳисобга олсак, балки бу ривоятда бирор ҳақиқат бордир.

— Ўрта асрларда Марказий Осиёда Куръонда номи тилга олинган пайгамбарлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар барпо этиш ёки мавжуд қадамжоларни уларнинг номига боғлаш одат тусига кир-

ган. Шу сабабли Марғилонда Искандар Зулқарнайн сингари тарихий шахсга мақбара қурилишига мажозий маънода қарасак, тўғрироқ бўларди, — дейди музейнинг яна бир ходими Зумрадхон Аҳмедова. — Александр Македонский ҳеч қачон Фарғона водийсида бўлмаганлиги тарихчиларга аён. Халқ орасида юрадиган бир неча ривоятлари Искандар қабри шу ердалигига асос қилиб олиб бўлмайди. Академик М.Е.Массон 1939 йил мазорни ўрганиш натижасида унинг XVIII асрга тегишли ёдгорлик эканлигини аниқлаган. У эски сувоклар остидан «1134 ҳижрий» (1721 милодий) деган ёзувларни топди. Ва бу мақбара Бухоронинг Искандар исмли ҳукмдорларидан бирига тегишли эканлигини исботлайди.

Бироқ Марғилон аҳолиси мазорда ростдан ҳам Искандар Зулқарнайн қабри борлигига ишоняишади. Марғилоннинг 2000 йиллиги муносабати билан бу зиёратгоҳ ҳам обод этилмоқда.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ишонч» муҳбири

Қилмиш — қидирмиш

Мамакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Айниқса, сўнгги йиллар ичида бу соҳага давлат миқёсида эътибор берилиб, тадбиркорлик билан шугулланман деган юрдашларимиз учун барча имконият эшиклари очиб қўйилди. Ана шундай бир шароитда ҳам тадбиркорлик ниқоби остида қинғир йўллар билан даромад топиш илинжида юрганларнинг сонини қамаймаётгани ачинарли ҳол.

Пайариқлик Худияр Саидовни ана шу тоифанинг вакили десак муболага бўлмайди. Сабаби, у қинғир ишлари учун уч бора судланиб, жазосини олган бўлишига қарамай, тадбиркор ниқоби остида қонунбузарликлар содир этиб келган.

Х.Саидов 2002 йилда «Муродбек» ишлаб чиқариш тижорат фирмасини ташкил этган, бор иқтидорини ишга солиб сохта тадбиркорликка киришиб кетади. Бунинг учун у опаси Онархол Баҳрановани ўзига шерик қилиб олади. Опа-ука сохта тадбиркорлар жиянлари А.Қайтаров номига расмийлаштирилган «Ахор» хусусий фирмаси учун «Пахтабанк»нинг Пайариқ туман филиалидан «макарон ишлаб чиқариш ускуналарини олиш учун» 20 млн. сўм қисқа муддатли кредит олишга эришадилар. Бу жараёнда улар банк филиали раҳбари номига ёзилган аризадан тортиб, кредит

Сохта тадбиркор

шартномасигача бўлган ҳужжатларни сохта имзолар билан «ҳал қилишган».

Шундан сўнг, олдиндан тузилган режага кўра Х.Саидов бу пулларни ўзига тегишли «Муродбек» фирмасига гўёки «макарон ишлаб чиқариш ускунаси учун» ўтказиб беради. Пулларнинг бир қисми билан «Муродбек» фирмасининг банкдан олган кредити «ёпилади». Қолгани эса бозорғир моллар учун бошқа ташкилотларга ўтказиб берилди. Шу тарихда пулларни нақдлаштириш бошланади.

Х.Саидовдай пихини ёрган сохта тадбиркор учун Самарқанднинг бир тумани

кичиклик қила бошлаган шекилли, энди у пойтахта келиб иш бошлайди.

«Кўр кўрни қоронғида топади» деганларидай, у бу ерда «Midas OIR» фирмаси раҳбари А.Югай деган сохта тадбиркор билан топияди. Х.Саидов Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турмагани

ҳолда қалбаки ҳужжатлар билан фирма раҳбарлигини ўз қўлига олади. Энг қизиғи, фирма манзили кўрсатилган уй аллақачон бошқа бир фуқарога сотиб юборилган эди. Шунга қарамай, улар қалбаки ҳужжатлар асосида шартномалар тузишга ва миллионлаб пулларни ўзлаштиришга киришиб кетадилар.

Жумладан, «Илғор» комбинатидан нархи 47 миллион 807 минг сўмлик ёғ маҳсулотлари, «O'zGeotextil» институтидан 8 миллион сўмликдан зиёд трикотаж маҳсулотларини олиб, қарзни тўлашга келганда бўйин товлаб қўйилган.

Бундан ташқари, Х.Саидов «Имомалиева В.И.», «Меҳрли савдо» каби тадбиркорлик субъектларини ҳам анча пулга тушириб кетган.

Хуллас, сохта тадбиркор Х.Саидовнинг қинғир ишларини санасак, адоғи йўқ. Лекин Х.Саидовнинг сохта тадбиркорлик фаолияти кўпга бормади.

У 94 миллион сўмдан зиёд ўзгалар мулкани қайтаришдан бўйин товлагани, «Ўзбеккумир» ОАЖдан ноқонуний йўл билан қўлга киритган 62.568.600 сўм маблағни легаллаштиргани, савдо қондаларини бузиб, 69,5 миллион сўмдан ортиқ нақд пул тушумини инкассация қилмагани, 2.218.330 сўм миқдоридеги солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлагани ва бошқа яна кўплаб жиноятлари учун суд ҳукми билан тегишли жазосини олди.

Б.ВОХИДОВ,
Бектемир туман
прокуратураси терговчиси

Тезкор хабарлар

ЯШИРИН ЦЕХ

Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро У.Абдусалимов ҳеч қаердан рўйхатдан ўтмай, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цех ташкил этган. Унинг вилоятлардан келган, доимий рўйхатда турмаган бир нечта фуқароларни ёллаб, яширин цехда маҳсулот ишлаб чиқара бошлаганлиги аниқланди.

Яширин цехнинг тегишли ҳужжатлари бўлмаганлиги сабабли 1.299.000 сўмлик асбоб-ускуна ҳамда 86200 сўмлик тайёр маҳсулотлар вақтинча олиб қўйилди. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

К.РАҲИМОВ,
СВОЖДЛКК департаментининг
Тошкент шаҳар Яққасарой туман
бўлими катта нозири

ҚОНУНБУЗАР МАНСАБДОРЛАР

Пойтахтимизда жойлашган «Soniya-xosiyat-biznes» МЧЖ улғуржи савдо фаолияти билан шугулланган. Жорий йилнинг феврал-март ойларидеги МЧЖ мансабдорлари турли қорхона ва ташкилотлардан пул кўчириш йўли билан 53.254.000 сўмлик эҳтиёт қисмлар, халқ истеъмоли моллари ва бошқа маҳсулотлар сотиб олиб, уларни нақд пулга сотишган. Бироқ сотувдан тушган пуллар банкка топширилмаган.

Натижада қорхона раҳбари Г.Абдимова ҳамда бош ҳисобчи Х.Назаровларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

М.ПАТТАЕВА,
СВОЖДЛКК департаментининг
Тошкент шаҳар Яққасарой туман
бўлими суриштирувчиси

ЧЕКИНИ БЕРМАДИ

«Ахил-Ҳамкор» МЧЖга қарашли дўкон сотувчиси А.Мирзаев харидор Р.Кариевга хорижда ишлаб чиқарилган ҳужжатсиз мебеллар тўпламини бирор чек бермай 3.050.000 сўмга келишган ҳолда 2400 АҚШ долларига сотган вақтида қўлга олинди.

Маъмур ҳолат юзасидан А.Мирзаевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

А.ЎҲЧИЕВ,
СВОЖДЛКК департаментининг
Тошкент шаҳар Яққасарой туман
бўлими катта нозири

НОҚОНУНИЙ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

«Absolyut montaj qurilish» МЧЖ томонидан жорий йилнинг 6 февралдан 31 мартгача бўлган даврда 116172944 сўмлик кредит пул айланмаси амалга оширилган. Ушбу давр мобайнида қорхона ҳисоб рақамига қурилиш моллари, клапан ҳамда бажарилган ишлар учун миллионлаб пул маблағлари келиб тушган. Уа навбатида ушбу пуллар турли мебеллар, шифер, электр ҳўжалик моллари, қоғоз, қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ускуна ва авиачипталар учун жуда кўп миқдорда сарф этилган. Бироқ авиачипталарни сотишдан тушган пуллар амалдаги қоғога кўра банкка топширилмаган.

Яна бир қизиқ ҳолат. Қорхона ҳисоб рақамига 13 март куни «Раздан» қурилиш-таъмирлаш фирмасидан 1980 минг сўм пул бажарилган ишлар учун келиб тушган. «Absolyut montaj qurilish» МЧЖ шу йилнинг 6 февралда давлат рўйхатидан ўтган. Аммо юқоридаги пул маблағи қорхона ҳисоб рақамига «Раздан» фирмаси билан 9 январда тузилган шартнома асосида келиб тушганлиги аниқланган.

Юқоридагиларга кўра, «Absolyut montaj qurilish» МЧЖ раҳбари В.Пиняковга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

З.ИРГАШЕВ,
СВОЖДЛКК департаментининг
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур
туман бўлими бошлиғи ўринбосари

(Боши ўтган сонларда)

«Олиха бир муддат жимиб қолди. Сўнг Кариманинг кўзларига кўзини тикиб:

— Мен ҳам аёл кишиман. Бунинг устига ўз ҳаётимга ўзим хўжайинман. Ҳа, у киши билан турмуш қурдим... Эскичасига... — деди оҳиста.

Карима бир муддат жим қолди.

— У кишининг нариги оиласи-чи?

— Билишади! — деди қатъий оҳангда Солиҳа. — Ҳаммаси келишилган!

— Ҳм... нима ҳам дердим... замон ҳозир ўзи шунақа. Ишқилиб, раҳбарият бирор нарса демаса бўлди.

— Ҳозирча индашгани йўқ. Жуда зарур бўлса, ишини олар-да!

— Йўқ, ундай деманг. Сиз яхши мутахассис, идорага фойдаси тегадиган ходимсиз. Фақат Бекмирза аканинг нариги оиласи жанжал кўтарса... Идора обрўйига пугур етади. Раҳбарлар шундан ҳайқишади, холос. Умуман бу кўнгил иши, — дея бирдан юмшади Карима. — Идорадан ташқаридаги ҳаётимизга аралашади ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Бекмирза акани яхши биламан, чиндан ҳам виждонли, соф кўнгил, қисқаси, тоза одам. Сиз ҳам бир неча йилдан буён кўз ўнгимдасиз. Юзингизга айтавераман — покиза аёлсиз. Икковингизнинг топишганингиз жуда маъқул. Фақат... Бекмирза аканинг оиласи муаммоси бор...

— Тўғри айтдингиз, Карима-хон, бу кўнгил иши. Бекмирза аканинг пулу молига учганим йўқ. Худо гувоҳ... — Солиҳанинг кўзларида ёш милтиллади. — Ёшим бир жойга борганда... Биласизми, ўзим ҳам хайронман... Ёш қизчадай бирдан... Бутун борлигим билан шу одамни... — Солиҳа «севиб қолдим» деган сўз ўрнига бошқа сўз излаб қолди. — Шу одамни...

— Севиб қолдингиз! — Бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди Карима ва ўрнидан туриб Солиҳани кучоқлаб ўпди. — Кутлуғ бўлсин! Яшайверинг у билан! Бирон нарса бўлса, мен кафил!

Шундай кейин идорада Солиҳага нисбатан бўлган ўзгариш секин-аста тарқаган чанг-тўзон каби йўқ бўлиб кетди. Кейинчалик Солиҳага маълум бўлишича, Карима бу сўхбатни раҳбариятнинг топшириги билан ўтказган, у ижобий ахборот етказгач, раҳбарият ҳам шу билан хотиржам бўлган экан...

Улуғбек Аҳмедов кўчага жуда кам чиқар, кўни-кўшнлар билан алоқаси ҳам деярли йўқ эди. Ҳеч ким уни йўқлаб келмас, ўзини ҳам бирор жойга ёки бирор кишиникига борганини биров ҳали кўргани йўқ... Шу боис эшик кўнгириги беҳос жиринглаганда телевизор қаршидаги диванда ёнбошлаб ётган Улуғбек қўниб тушди. Ўрнидан туриб эски бозордан олган бухороча чопонини елкага ташлаганича коридорга чиқди.

Ташқарида кўшни аёл Нодира билан бўй етган бир қиз туришарди. Эшик очилгач, қиз Улуғбекнинг юзига ялт этиб қаради-ю, сесканиб кетди... Кейин беихтиёр шошганича Нодиранинг қўлидан тортиди.

— Йўқ! Йўқ! Дадам эмас бу одам!

— Ҳа, майли, майли, мунча ҳовлиқасиз! — дея қизга ишора қилди Нодира, — отаси Россияга кетганича уч-тўрт йилдан бери бедарак... Кеча шунақа, бир кўшнимиз бор, деб сиз ҳақингизда гапирган эдим,

олиб борасиз, деб қўймади...

— Ҳечқиси йўқ, бўлади-да, — деди Улуғбек хайр-маъзурни ҳам насия қилиб пиллапоядан шошганича отилган қизнинг ортидан қараб қоларкан.

— Кечирасиз, — деди хижолат бўлиб Нодира. — Мен бунақа шошқалоқлигини билмабман бу қизни...

— Майли, майли... — дея Улуғбек эшикни ёпиб ичкарига қайтди. Яна ўзини ойнага солди. «Наҳот, одам кўрққулик даражада бадбашара бўлсам! Ҳа, бу тилинган юзлар... Билмаган одам пичоқ тилган дея ўйлаши ҳам мумкин. Бунинг устига пачоқ бурун...»

У чуқур «уф» тортиб яна ўзини диванга ташлади. Кейинги икки ой ичида жуда ҳам зерикди. Илгари ҳар бир дақиқаси санокли, кечаю кундуз ҳаракатда бўлган одам учун тўрт девор ичига камалиб олиш, бекорчиликдан ортиқ азоб йўқ. Нима қилсин,

ган момақалдиқроқдай таъсир қилмади. Неча марта ҳаёлига келган, неча марта ўзи айтишга шайланган гаплар бу! Бироқ шу даҳшатли сўзлар яланғоч ҳолда ўртага ташлангач, ҳамма бирдан қотиб қолди. Севара билан Тоҳир бундай таклифни умуман кутмаган эдилар. Улар ҳали ҳам Севара йиғи-сиғи, Тоҳир бирон бир оқилона тадбир ишлатиш йўли билан ота-она никоҳини сақлаб қолиш, оиланинг парокандалигига йўл қўймаслик ниятида эдилар, холос. Онанинг оғзидан чиққан сўзлар беҳос бошга урилган тўқмоқ зарбидек уларни гангитиб қўйди...

Бекмирза бирдан оёғидан мажол кетганини ҳис қилди ва секингина ёнидаги креслога чўкди. Тоҳир ҳам бемажол диванга ўтириб қолди. Ҳаммаларига ниҳоятда узоқ туюлган, лекин аслида икки-уч сонияга давом этган сукунти яна Севара бузди.

— Ая! Нима деяпсиз ўзи?

эди. Фарзандлар креслода тошдай қотган ота томонга қиё ҳам боқишмади.

— М... мени кечир, Моҳи, — ниҳоят тилга кирди Бекмирза, — тўғриси, итлик қилдим... сен ҳақсан. Лекин... Моҳи, ажралиш масаласида шошилма... Уйлаб кўр. Отанг тақдирини ҳам эс-ла...

— Отам унда жуда ёш эди! Уни тушуниш ва кечириш осон эди... Сиз эса нариги дунёни ўйлайдиган даврингизда шунақа қабиҳликка қўл урдингиз.

— Бу қабиҳлик эмас, Моҳи! Агар мен ўша аёл билан кўнгили-хушлик учунгина юриб, сен айтгандай хоҳлаган пайтимда ташлаб, бошқасига илакишиб кетарсам қабиҳлик бўларди. Ишон, мен ҳеч қачон сенга хиёнат қилмаган эдим. Шу аёл истисно бўлди! Сен билан ҳам юрганмиз ёшлиқда... Сайрлар, учрашувлар, театрлар... Аммо...

У «ҳақиқий муҳаббат қанақалигини билмаганмиз» демоқчи

ганини англашолмади... Бекмирза ҳақиқатда оила бошлиғи мартабасидан култиди. Унинг ўрнини Моҳигул эгаллади.

Она ҳамон қизининг севгисини омонат-деб билар, назарида бугун бўлмаса эртага Бекмирза, албатта, Солиҳани ташлаб кетадиганга ўхшарди. «Неварали одам бошқа аёл билан чин дилдан никоҳ қурармиди? Ҳаёлида нима бор унинг, ёлғиз Худога аён! Қизим Эсини йиғиб олса бўларди...» Ёши қирққа яқинлашган аёлнинг ҳомиладор бўлиши ва устига устак туғмоқчи эканлиги қип-қизил аҳмоқлик эди онанинг назарида.

Солиҳа кечқурунлари ишдан уйга қайтишга ҳам безиллаб қолди: ҳар куни ўша бир хил қўшиқ: «Болани олдири! Бу бола сенга яхшилик келтирмайди!». Шунақанги асаббузар кайфият кунба-кун ич-эттини кемирарди. Нима қилсин? Онанинг гапида жон бор. Аввало қирқ яшар аёлнинг туғиши осон кечмайди. Ўғли ўн бешга тўлаяпти. Йигирма тўрт ёшида, шарқона удумларга зид равишда анча кеч туққан эди, у биринчи фарзандини... Майли, бу-ку бир гап бўлар... Аммо ишхонада нима дейишади? Ҳали ҳам биров билиб, биров билмайди унинг иккинчи хотин бўлиб эрга текканини... Ҳомиладорлик, туғиш эса ҳаммасини ошқор қилади. Раҳбарият нима дейди, қонуний никоҳдан ўтмасдан оилани бир одам билан эскича турмуш қурган, боз устига фарзанд кўрган ходимга муносабат қандай бўлади? Обрўли, жиддий идорада бунақанги аёлнинг ишлаб юришига индамай қараб тураверишмаса керак... Лекин Бекмирза... Бекмирзанинг ўша «Бекмирза ака... Фарзанд кўра-миз!» деган сўзини эшитгандан сўнг ёш йигитдай қийқиргани, бўсалар ва совғаларга кўмгани, ҳар куни албатта бир қарра Солиҳанинг қорнига қуллоқларини босиб, «Ҳаракат қияпти, шекилли... алло, ўғлим, катта бўлясанми?» дея шодланишлари олдида ҳаммаси ўтаверсин... Майли ишсиз қолсин, уйда ўтирсин, бола боқсин... Бекмирзанинг бир зумлик қувончини хиралаштиришга арзийдими бу иш, бу обрў!

Кеча кечқурун «висол уйи»га кириб келган Бекмирзанинг кайфияти суст эди. Солиҳа ижиклаб ўтирмади, овқатдан сўнг Бекмирзанинг ўзи хонадонда бўлган воқеаларни гапириб берди.

— Демак... А.. аёлингиз ҳамма нарсани биларканми? — деди Солиҳа алланечук товуши титраб.

— Ҳамма нарсани, — тасдиқлади Бекмирза, — ҳатто ҳомиладор бўлганингизни ҳам...

Солиҳа бошини эгганича анча муддат ўйланиб қолди.

— Энди нима бўларканми? — деди у ниҳоят... негадир Бекмирзанинг қўлларидан ушлади.

Бекмирза унинг қўллари титраётганини сезиб елкасидан кучоқлади.

— Бир ота фарзандлари учун нималарни қилиши лозим бўлса, ҳаммасини бажардим, — дея сўз бошлади у қатъий оҳангда, — хотиним учун ҳам керагидан ортиқ даражада хизмат қилдим. Тўғриси айтиш керак, у яхши хотин, яхши она, яхши уй бекаси... Лекин кўнгил деган нарсага буюриб бўлмаса, нима қилай? Ёшим бир жойга борганда, муҳаббат деган чинакам туйғу бор вужудим, ихтиёримни эгаллади... Ахир Худо кўриб, билиб тургандир бу ҳолни! Лекин бузуқлик, ўйнашбозлик қилмадим. Кўнгил хуши учун юрмадим... Аслида шундай қилсам, хотин ҳам, болалар ҳам парво қилишмасди...

(Давоми бор)



Алишер ИБОДИНОВ

СОХИИЛ ЯҚИН,
ЯҚИН...

(Қисса)

эди-ю, тилини тийди.

— Ҳақиқий муҳаббат эмас эди, бу демоқчисиз-да. Йўқ, хўжайин, эҳтимол сиз ўзингиздаги сохта туйғуларни ўшанда муҳаббат деб ўйлагандир-сиз. Лекин Моҳигул сизни... Қандай бўлсангиз шундоқлигингизча севган!

Чин дилдан севган! Отанасининг норозилиги ҳам уни бу йўлдан қайтаролмаган!

Бекмирза қалбидаги туйғуларни бу аёлга тушунтириш беҳуда эканлигини ҳис қилди. Ҳожати ҳам йўқ бунинг! Буни нафақат Моҳи, дунёнинг бирорта тирик бандаси тушунмайди. Буни фақат ўша... Солиҳа билади ва ҳис этади, холос...

— Моҳи! — деди у қатъий оҳангда. — Ажралиш масаласини қўй! Бундай қилма! Майли, мол-мулкларни сен айтганча бўлайлик... Кўнглинг тинч бўлсин. Мен розиман. Аммо ажралишга ва уйдан кетишга кўнмайман!

— Мен иккинчи хотин бўлиб яшамайман!

— Моҳи... Қизишма... Тўғри, мен ноҳақман, сенга хиёнат қилдим, аблаҳман! Аммо менга фурсат бер... Сен ахир, ақлли аёлсан... Ҳаётда нималар бўлмайди, ахир! Уйлаб кўр...

Эртаси кундан мол-мулкларнинг ҳисоб-китобига киришдилар. Шаҳар марказидаги дўкон Севарага ўтказилди. Мавзелардаги икки дўкон Тоҳир номига расмийлаштирилди. Уй-жойлар тўлиғича Моҳигулга берилди. Аммо юқоридаги икки хона Бекмирзага ажратилди ва у бу хонадон аъзоси сифатида шу ерда доимий яшаш мақомига эга бўлди. Моҳигул билан ажрашиш номаълум муддатга кечиктирилди. Бекмирзага тегишли қисмлардан келадиган фойдадан унга ҳар ойда маълум миқдорда ҳақ тўланадиган бўлди.

Оиланинг ички сири ҳисобланган бу гап-сўзлар ташқарига чиқмади. «Бош ёрилса, бўрк ичида» деганларидай, кўни-кўшни, қариндош-уруғлар оиладаги аллақандай безовталиқни ҳис этишди-ю, аммо ҳақиқатда нималар рўй бер-

ахир? Уйлаб ўйининг тагига ета олмайди. Оила билан алоқа энди бутунлай узилди. Ўзини танитса, яна ўша диққинафас, ҳар бир дақиқаси азобдан иборат ҳаётга қайтиши керак. Ёлғиз умиди, ягона илжини эса у! Улуғбек у борлиги учун ҳам шу дунёда яшаб, у нафас олаётган ҳаводан симириб юрибди. Агар у йўқ бўлса, Улуғбек бу дунёда бир дақиқа ҳам яшай олмайди!..

Улуғбек ўрнидан сапчиб туриб кетди. Қанчалар соғинди уни! Ҳозир бир дақиқа шу аёлнинг этакларини ўпиш учун жондан кечишга ҳам тайёр. Аммо у қандай қабул қиларкин буни... Бадбашарани! Юрагидаги эски туйғуларни ҳам ўчириб юбормасмикин? Ўтган беш-олти ой ичида қанчадан-қанча ҳаёлларни бошидан ўтказмади Улуғбек... У билан бирга яшаш хусусида қанчадан-қанча режалар тузмади... Фақат... Охириги пайтлар аёл ўзини четга ола бошлаганди... Бу албатта кўнгил қайганидан эмас, эркакнинг аҳолини яхшилаш учун эди... Буни Улуғбек тушунарди.

Лекин... ўзини танитгандан сўнг ҳам шу муносабат давом этса-чи? Улуғбек хона ичида яна (нечанчи бор!) у ёқдан-бу ёққа юра бошлади... Сўнг телефон олдига келди-да (нечанчи бор!) таниш рақамларни терди.

— Алло! Кимсиз?

Бир-икки дақиқа телефоннинг одатий гувуллаши, аёл кишининг нафас олиши эшитилди.

— Кимсиз? Гапиринг!

Улуғбек овоз чиқаётган гўшакни юзларига суртди... Бетиним, қайноқ бўсалар олди гўшакдан...

Йўқ, бу сўзлар Бекмирзага булутсиз осмонда тўсатдан янгра-

Қанақа бўлиш?! Биз сира ҳам рози эмасмиз... Ҳеч қанақа бўлиш бўлмайди! Ака! Гапиринг буларга! Нима қилишмоқчи булар! Жон ая! Ўзингизни босиб олинг.

— Ҳали ҳам мен жуда босиқ аёлман, қизим. Сизлар эшитаётган хулосага келгунча минг бир чиғирикдан ўтказганман айтадиган гапларимни. Ҳақиқий аҳволни — даданг у аёл билан қандай... — Моҳигулнинг овози титраб кетди, — и.иноқ яшашини сизлар билмайсизлар. Бу ажралиш фикрига даданг мендан бир йил илгари келгани ҳам сизларга ноаён, аммо мен сезганман... Ё нотўғри айтаяпманми, хўжайин? Айтишларича яқинда.. ука, ўгай ука ҳам кўрасизлар! Аҳвол шу даражага етган.

Бекмирза бир замбил лойга айланган эди... Наҳотки? Моҳи буларнинг ҳаммасини билган... билган ва сукут сақлаган! Тоҳир билан Севара ҳам лол эдилар...

Очиқ дарчадан хонага ташқарининг изғирин ҳавоси киришга шайланар, аммо ичкаридаги иссиқ изғиринга йўл бермас эди. Қаердадир машина узун сигнал чалди. Аллақандай кишилар баланд овозларда гаплашиб, кўча дарвозаси олдида ўтиб кетишди.

Севара онасига яқинлашиб, маҳкам кучоқлади, юзларидан «чўлп-чўлп» ўпди-да, кўз ёшларини арта-арта ташқарига қиқиб кетди. Ортидан Тоҳир ҳам кўзғолди...

— Аяжон, — деди у ҳам онаси қаршисида бош эгиб, — биз бу ишларга аралашолмаймиз. Нима бўлса — ўзларингиз ҳал қилинлар... Нима қарорга келсаларингиз — шунга розимиз!

Шундай дея у ҳам хонани тарк

Қадри, муштарийлар!

Севимли газетангизда сизбop янгилик. Энди Сиз ўз минбарингиздан бемалол фойдаланиш имкониятига эгасиз. У орқали Сиз хоҳлаган мавзуда (шеър, мақола, туғилган кун муносабати билан табрик, фикр, ҳатто яқин дўстингиз, сеvimли ёрингизга салом йўллашингиз, дардларингиз, сизни қийнаётган муаммолар билан ўртоқлашингиз) чиқиш қилишингиз мумкин. Бунинг учун кўп нарса талаб қилинмайди. Фақатгина саҳифада бериб бориладиган махсус купонни тўлдириб, уни ўз дил изҳорингиз билан бирга қўшиб жўнатсангиз, бас. Бугунки бизга қўйиб бериңг. Ахир, бу Сизнинг минбарингиз!



Муштарий минбари

Миннатдорлик

Шифокорларга мингдан-миңг раҳмат

8-10 йил ичида 3 марта жарроҳлик амалиётини бошимдан ўтказдим. Шифокорларга раҳмат, ҳаётимни сақлаб қолишди. Оилам бағрига саломат қайтишимга кўмаклашди. Утган йилнинг март ойида оғир бетоб бўлиб Денов туман марказий шифохонасига тушиб қолдим. Лекин касалимга аниқ ташхис қўйиша олмади. Кундан-кунга ортга кета бошладим. Врачлар ўзаро маслаҳатлашиб Тошкентга йўлланма беришди. Шундан сўнг Республика Акушер ва гинекология илмий текшириш марказида дардимга шифо топиб, оилам, фарзандларим бағрига соғ-саломат қайтдим. Аммо орадан бир йил ўтгач яна қандайдир оғриқлар пайдо бўлди. Шу йилнинг март ойида шаҳардаги «Зилол» санаторийси қошидаги ташхис марказида кўриқдан ўтдим. Улар менга «жигарингизни ёғ босган, буйрагингизда тош бор» дейишди.

В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослашган хирургия марказининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жигар ва ўт йўллари хирургияси бўлимида кўриқдан ўтгач, ҳаммаси аниқ бўлди-қўйди. Ушбу бўлим шифокори Ўқтамжон Тўрақулов томонидан амалга оширилган ёпиқ жарроҳликдан сўнг оғриқдан халос бўлдим.

Ана шундай қийин шароитда оиламга ҳамда фарзандларимга қувонч улашган шифокорлар Анвар Алиев, Ўқтамжон Тўрақулов ҳамда М.Куванов, М.Акбаровларга тахририят орқали миннатдорчилик билдириб, қўллари дард кўрмаслигини, инсонлар бахтига доимо омон бўлишларини Яратгандан сўраб қоламан.

Зулфия БЕКМУРОДОВА, II гуруҳ ногирони, Денов тумани

Таассурот

Кўнгилли саёҳат

Марғилон шаҳридаги «Йўрмадўз» маҳалласининг бир гуруҳ нуруний отахонлари Самарқанд шаҳрига саёҳат қилдилар. Улар буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий масжид-мажмуаси ҳамда салобатли, бир-биридан жозибали бошқа қошоналарда бўлдилар. Меҳмонлар Мирзо Улуғбек расадхонаси ва унинг хотира музейи, Бибиҳоним масжиди, Шоҳи Зинда ёдгорликлар мажмуи, Регистон майдони, Гўри Амир мақбарасини катта иштиёқ билан кўздан кечиришди. Шунингдек, кўҳна ва қадим Бухорога ҳам ташриф буюриб,

ноёб обидалар — Масжиди Калон, Арк, Лаби Ҳовуз, Мир Араб, Нодир Девонбеги мадрасалари ва муқаддас қадам-жоларни зиёрат қилдилар. Ўтмишимиздаги буюк аждодларимиз томонидан қурилган қадим обидаларнинг ҳар бир гиштида боболаримизнинг қўл излари билан бир қаторда қалб ва эътиқодлари ҳам акс этганини ҳис қиласан киши. Беш кун давом этган қадим шаҳарлар, тарихий обидалар зиёрати марғилонлик нурунийларда унутилмас таассурот қолдирди. **Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,** меҳнат фахрийси

Дилдан кечган ўйлар

Бахт

Бахт баъзан кўнгилда, гоҳо юракда. Бахт нима ёки ким? Менинг бахтим — бугунги ҳамроҳим, бахтим бу кун — кўнглим истаги. Бугунги бахтим учун кўп нарса керакмас: уйимнинг тинчлиги, хотиржамлиги, қизларимнинг менга меҳрибонлиги ва умримнинг йўлдоши... Унинг борлиги. Умр йўлдошимнинг кўюнчақлиги. У — менинг бугунги бахтим, эртангиси, бутун умримники бўлса ҳам майли... Мен балки ўзимни ўйламас нотавондирман. Бироқ кимнидир ўйлашга ҳали қодирман... Рост, мен ўзимни ўйламай қўйдим — бу менинг энг асил бахтим! Ахир ўзим бу дунёда йўқ бўлиб қолдим. Ўзим — энди менинг фарзандларим ва менинг кўнглим, ўзим — ўзимни топширган умр йўлдошим. Яқинларимга ўзимга сўрагандан ҳам кўпроқ яхшилик сўраб, бу кун ўзимни унутаялман. Бахт — балки ўзини унутшимкан? Уларнинг бахтида ўзингизнинг ҳам бўлмоғингиз бахтимкан балки? Кейин яна умрингиздаги кўнглингиз ҳамроҳи сизни кўп суйса... Сиз ҳам уни авайласангиз. Шу бахтнинг ўзи-да! Уни (кўнглингиз ҳамроҳини) кўзингизнинг ёшида оқмасин деб йиғламангиз, кўзгуда ҳам кўзингизда уни кўрсангиз, меҳрингиз-ла суйсангиз, ҳатто тилингиздаги сўз ҳам уни сўраса... Бахт-ку буларнинг бари аслида! Минг ташвишлар ичида энг асосийси — унинг қувноқ чеҳраси бўлса, тани-жони омон бўлиб, сизни кўп суйса... Қандоқ катта бойлик, давлат, бахт-ку — бу!

Ҳафиза ҚҶЧҚОРОВА

Мулоҳаза

Ўйинчоқ — тарбия воситаси

Жиянимнинг туғилган кунинида унга ёқадиغان совга харид қилиш учун ўйинчоқлар дўкони томон йўл олдим. Турли эртақ қаҳрамонларидан тортиб, ўйинчоқ қуролларгача, кичик поездлар-у самолётларгача бор эди-ю, қўғирчоқларнинг бирортаси миллий киёфада эмасди. Биз ҳам ёшлигимизда сариқ сочу мовий кўзли қўғирчоқларни ўйнаганмиз. Лекин у бошқа замонлар эди. Аммо миллий қадриятларимиз улуғланаётган бир даврда болажонларимиз ўйинчоқларида бу ўзгариш акс этмаётганлигини қандай изохлаш мумкин? Ахир фарзанд тарбиясида ўйинчоқларнинг ҳам таъсири бор-ку!

Ўйлаб қоласан киши, наҳотки мамлакатимизда ўйинчоқ ясайдиган корхона бўлмаса? Агар бор бўлса, нега миллий қўғирчоқлар ишлаб чиқарилмаяпти?

Бола онги, қалбини оқ қоғозга ўхшатишади. «Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш» деб бежиз айтилмаган. Эътибор бериб қарасак, Хитойда ясалган ўйинчоқларда миллий руҳ шундай уфуриб турганлигининг гувоҳи бўламиз. Ёки «матрёшка»ларни кўрганамизда рус халқи кўз олдимизда гавдаланади. Бир эслаб кўрайлик-чи, ўзбекона киёфадаги қандай ўйинчоқларни биламиз?

Тарбияда ҳамма нарса муҳим. Шундай экан, болалар ўйинчоқларига ҳам жиддий эътибор қаратадиган вақт аллақачон келган.

Саида ЭШМУМИНОВА

Фельетон ўрнида

Зарурат туфайлими ёки бошқа сабабларга кўра, қишлоғимизда куз-қиш-бахор фаслларида, ҳатто ёзда ҳам чироқ (электр энергияси)ни тез-тез узиб қўйиш ҳоллари кузатилади...

Чироқчилик тилаги — чироқ

Мудроқ дарахтларга қайта жон кирди, Баҳорий насимлар дилга хуш ёқар. Ойла жам бўлиб юмшатиқ ерни, Картошка, помидор эксақ асқотар. Ишловдан кетмонлар кетди ялтираб, Кеч бўлди, чарчадик, дам истар кўнглим. Уйга кир, концертга қўйинг тўғрилаб Телевизор каналини, бўла қол, ўйлим. Қўшиқдан чарчоқлар кетар вужуддан, Ойнаи жаҳонга қадалган нигоҳ. Ушбу пайт қишлоқда оқдотил бўлган Чироқлар ўчади, дил хуфтон, э воҳ! Бу нима кўргилик, бу қандай қисмат, Тоқай юлдузлардан нажот тилайсан? Олдинга бир коса овқат қўйган пайт Чироқнинг ўчарин қайдан билгайсан?! «Бўйрачи», «Қаҳрамон», «Микоб», «Чилживут» — Менинг қишлоқларим, қўшни қишлоқлар. Уйга меҳмон келса, юзимиз шувут, Солярка излаймиз, ўчса чироқлар. Сени соғинганмиз, озурда кўнгли, Момо баҳоргинам, Қўёшжон бобом! Учирса ҳам ўчмас чироқ олиб кел, Чароғчилик бўлсин қишлоқда мудом!

Рўзи Мурод АРЗИЕВ, Чироқчи тумани, «Меҳнатобод» фермерлар уюшмаси, «Бўйрачи» қишлоғи

Ташаббус

«Мақтабимизни чаманзорга айлантирамиз»

Пойтахтимизнинг қай бир гўшаси, қай маҳалласига разм солманг, катта бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушларига гувоҳ бўласиз. Кўчалар, хиёбонлар, айниқса, мактаблар атрофи озода, саранжом-сарийшта.

Мактабларни кўкаламзорлаштириш — бу авваламбор муборак даргоҳни обод қилиш, унда таълим-тарбия олаётган ўқувчиларнинг саломатлигини таъминлаш, соғлом-бақувват бўлиб улғайишларига етарли шарт-шароит яратиш демакдир. Айни шу мақсадда Мирзо Улуғбек туманидаги 205-мактабда мақтовли ишлар амалга оширилмоқда. Ўқувчилар ташаббуси билан мактаб атрофида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари бажарил-

ди. Мактаб боғидаги дарахтларга шакл берилиб, янги ниҳоллар ўтказилди. Гулзорлар барпо этилди. Ҳар бир ўқувчи бу эзгу ишга ўз ҳиссасини қўшди. — Қачонки, болалар етарли билим олиш билан бирга меҳнатга рағбат, табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбияланса, улар жамият учун, ота-онаси учун, қолаверса, мустақил юрт учун сидқидилдан меҳнат қиладиган, ўзидан «озод ва обод Ватан» қолдирадиган баркамол шахслар бўлиб камолга етиша-

ди, — дейди мактаб директори Марям Икромова. — Биргаликда бажарилган ишнинг гашти бошқача бўлади. Ҳазил-мутойиба, қизиқ хангомалар билан болалар чарчаш нималигини билишмайди. Энг муҳими, уларда меҳнатга кўникма, табиатга меҳр уйғонмоқда. Ўқувчи-ёшларнинг хайрли ишига барча ота-оналар ва ўқитувчилар хайрихоҳ бўлишди. Бирор ўқувчи бу ташаббусдан четда қолмади. Бирови ниҳол олиб келса, биров гул кўчатлари келтирди, бошқаси ер чопса, яна кимдир дарахтларни оқлади. Бунинг ташаббускори ҳам, ижрочиси ҳам ўқувчиларнинг ўзи.

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА



К.ТўРАЕВ олган сурат

Ассалому алайкум. Онажон, яхшимисиз...

Афоризм Улуғлик сармоёси насл ва касб билан эмас, балки ақл ва одоб биландир.

«МУШТАРИЙ МИНБАРИ» КУПОНИ №... Фамилиянги, Исмниги, Отангизнинг исми, Туғилган йилинги, Манзилинги, Иш(ўқиш) жойинги, Қайси мавзуда чиқиш қилмоқчисиз?

ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ БЎЙЛАБ

Умумий маълумотлар:

Расмий номи — *Аргентина Республикаси.*

Ер майдони — 2.8 миллион кв.км.


Аҳолиси — 38.2 миллион киши.

Давлат тили — испан тили.

Пойтахти — Буэнос-Айрес.

Пул бирлиги — песо.

Миллий байрами — Мустақиллик куни (9 июл).



Аргентина давлат герби

Саҳифа учун масъул: Нурбек ЮЛДОШЕВ



Буэнос-Айресдаги «Колон» опера театри

«КУМУШЛИ ЎЛКА»

Игуасу шаршараси



Америка қитъасининг жанубий қисмида жойлашган улкан мамлакат — Аргентина Музофот, Буэнос-Айрес Федерал ўлкаси, «Оловли ер» ва бир қанча кичик ороллардан ташкил топган. Шунингдек, қатор йиллардан бери Атлантика океанининг жанубидаги Фолькланд (Мальвин) ороллари учун Буюк Британия қироллиги билан музокаралар олиб борилмоқда. Аини пайтда, бу ороллар бахсли худудлар мақомини олган. Мамлакатнинг номи лотинчадан таржима қилинганда, «ку-

мушли» деган маънони билдиради. Бундай аталишига сабаб, испан конкистадорлари (мустамлакачилари) томонидан унинг худуди турли хил қимматбаҳо қазилмалар — олтин, кумушга бой деб ўйланган. Ваҳоланки, уларнинг кўпчилиги адашишган. Лекин шунга қарамай, испанлар изланишда давом этганлар ва ҳатто мамлакатдаги энг катта дарёга Ла-Плата (испанча — кумуш) деб ном беришган. Маълумотларга кўра, 1516 йилда испан денгизчиси Х. де Солис Ла-Плата дарёсининг денгизга қуйилиш

жойига етиб борган ва маҳаллий ҳинду-гуаранилардан бу жойларнинг илоҳий номи «кумушли афсона» деб аталишини европаликларга етказган.

Шу ўринда испан ва португаллар истилосидан олдин Аргентинада ўндан ортиқ ҳинду қабилалари яшаганлигини қайд этиб ўтиш лозим. XVI аср бошларида Магеллан бутун материкни айланиб ўтгач, аста-секинлик билан испан истилочилари мамлакат худудларини эгаллаб ола бошлади. Аввалига Перу вице-қироллигига қарам бўлган мамлакат 1776 йилдан бошлаб ҳозирги Боливия, Парагвай, Уругвай худудларини кўшиб олган ҳолда алоҳида протекторат мақомини олди.

1810 йил 25 майда Буэнос-Айресда мамлакат мустақиллиги учун урушлар бошланиб кетди. 1816 йил 9 июлда Музофотлар Иттифоқи номи остида мамлакатга расмий ўзини ўзи бошқариш мақоми берилди. 1826 йилдан эса Аргентина Федератив Республикаси номи билан атала бошланди. Унинг мустақилликка эришувида Анд армияси генерали номи билан танилган Хосе Сан Мартин (1778-1850)ни алоҳида таъкидлаш лозим. Мамлакат аҳли уни миллий қахрамон деб билишади.

ИММИГРАЦИЯ ЎЧОФИ

Пампа — бу Шимолий Америкадаги бепоен прериялар каби Аргентинадаги даштликлардир. Ушбу худудлар мамлакат учун бемисл хазина десак, янглишмаймиз. Чунки Аргентинанинг дунёдаги гўшт, сўт, тери ва жун етиштиришда етакчи ўринлардан бирини эгаллашида пампанинг ўрни беқиёс. Уларни худди қовбойлар каби йирик-йирик ранчо эгалари — Гаучолар бошқаради. Гаучо ҳам аслида молбоқар маъносини билдиради.

ПАМПА ВА ГАУЧО

Чорвачиликдан ташқари, ўрмон ва целлюлоза саноати анча ривожланган. Мамлакатнинг шимолий ва марказий қисми қалин ўрмонлар билан қопланган. Бу ерда қизил, сандал дарахтлари каби қимматбаҳо ёғоч беврувич дарахтлар мавжуд.

Пампа ва Патагония пасттоғлари яна бир ҳақиқий бойлик — бугдой ва маккажўхори етиштириш учун жуда қулай. Аини пайтда Аргентина дунёнинг донли екчилар экспорт қилувчи илғор давлатларидан ҳисобланади. Шунингдек, катта-катта нефть-газ қонлари, мис, рух, темир ва кўмир қазиб олиш мамлакатга улкан сармоя келтиради.

Дарҳақиқат, Аргентина аҳолиси ҳақида гап кетганда, худди шу иборани ишлатмай илож йўқ. Бу ерга илк кўчиб келган испанлар маҳаллий аҳоли билан аралашиб янги миллат — креоллар шаклланди. Кейинчалик, 1850-1940 йиллар давомида мамлакатга салкам 7 миллион киши кўчиб келди. Уларнинг 90 фоизи Фарбий Европа мамлакатларидан бўлиб, бунинг натижасида Аргентина аҳолиси 4 бараварга кўлайди. Аини пайтда мамлакат аҳолисининг 7 фоизини тўбжой — кечуалар, гуаранилар, матаколлар ва бошқа 10 дан ортиқ ҳинду миллатлари ташкил этади. XIX асрда кўчиб келганларнинг кўпчилиги италяянар, французлар ва немислар бўлиб, улар мамлакатга ўша даврдаги ҳақиқий Европа маданиятини олиб келишди. Шу боис Аргентина Лотин Америкасидаги «европаласимон» давлатга айланди. Кейинчалик бу ерда шаклланган мусиқа ва ҳар хил ўрф-одатларда Европанинг таъсири сезилиб туради. Масалан, уларнинг севимли рақси — аргентина тангосини асли француз миллатига мансуб Карлос Гардель яратган. Лекин шунга қарамай, аргентиналиклар ўз миллатларини мамлакат номи билан аташни ёқтирашади.

Бундан ташқари, бу ерда «миллионлар ўйини» — футболни жуда севишади. Диего Армандо Марадонанинг номи кўпчиликка жуда яхши таниш. Мамлакатдаги икки гигант клуб — «Бока Хуниорс» ва «Ривер Плейт» ўртасидаги ўйинлар куни Буэнос-Айресда, айниқса, «Ла-Бомбанера» стадионида ҳақиқий «байрам» бўлади. Турли хил карнаваллар, коррида, родео каби халқ ўйинлари аҳолининг жону дили.

Мамлакат аҳолисининг 92 фоизи христиан динининг католик маънабига сийинишади. Қолганлар протестант, проваслав, иудаизм ва маҳаллий динларга эътиқод қилишади.

ЛОТИН АМЕРИКАСИ «ПАРИЖИ»

Аргентина дунёдаги урбанизация даражаси (лотинча — шаҳар) жуда юқори бўлган давлатлардан дир. Бу ерда аҳолининг 85 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади. Жами аҳолининг 35 фоизи эса Буэнос-Айрес ва унинг атрофида жойлашган.

Испан конкистадори Педро да Мендоса томонидан 1536 йилда Ла-Плата дарёси қирғида кичикроқ шаҳарчага асос солинди ва у узундан узоқ — Сьюдад-де-ла-Сантисима-Тринидад-и-Пуэрто-де-Нуэстра-Сеньора-де-Санта-Мария-де-лос-Буэнос-Айрес деган гаройиб ном билан аталди. XIX аср охирига келиб ундан фақат икки сўз қолди. Шаҳар номи испан

гиз бўйидаги кафеларда кофе, мате (Лотин Америкаси чойи) ичиб ўтиришни, асадо, яъни ёнгил қовурилган мол гўштини истеъмол қилиб, суяк ўйини ўйнашни ёқтирашади. Аҳолининг қалби ва характери соҳил бўйида туғилади, деган ҳазил гаплар юради.

Катта Буэнос-Айрес агломерациясида тахминан 15 миллион киши истиқомат қилади. Уни Аргентинанинг «локомотиви», «мамлакат ичидаги мамлакат» дейиш мумкин. Шаҳарнинг соҳилбўйи Ла-Бока районига XIX асрда генуялик денгизчилар томонидан асос солинган. Бу даҳа шаҳарнинг сайёҳларни энг кўп жалб қиладиган худудига айлан-



«Нуэва де-Хулио» (9 июл) кўчаси

тилидан олинган бўлиб, «ёқимли шамоллар» маъносини беради.

Буэнос-Айрес юқорида таъкидлаганимиздек, биноларининг барокко, готика услубида қурилганлиги ва жойлашганлигига кўра Европа шаҳарларига ўхшаб кетади. У катта яхлит геологик плита устида қурилганлиги сабабли текис кўринишга эга. Шаҳар аҳолиси асосан портларда, зич жойлашганлиги сабаб «портенос» деб аталади. Улар ден-


ди. Табиат музейи, санъат ва маданият саройлари ҳам шаҳарнинг ушбу қисмидан жой олган. Буэнос-Айреснинг диққатга сазовор жойларидан бири — «Колон» опера театри (Христофор Колумб шарафига номланган), дунёдаги энг кенг — «Нуэва-де-Хулио» ёки «9 июл» кўчаси ва унда жойлашган баландлиги 67 метрли ёдгорлик, Пласа-де-Армес майдони, Каса Росада (Пуштиранг уй) президент саройи ҳам шу ерда жойлашган.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Муссонов кўчаси 33-уйда жойлашган «ПОРЛОҚ-АУДИТ» аудиторлик ташкилотининг думалоқ муҳри ва тўртбурчак штампи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Касаба уюшма фахрийлари

Омонат умрни беҳуда ўтказмаслик, қилган ҳар бир амалингиз билан инсонларга наф келтира олиш шарафдир. Касаба уюшмалари тизими ривожига қирк йилдан зиёд умрини бахш этган **Мажид Бердиев** шундай шарафга лойиқ инсонлардан. Умрининг 85-баҳорини қаршилайётган нуруний отахон **Тошкент шахрининг Шароф Рашидов** номли маҳалласи фаолларидан.

Бахтиёрлик сири



— Инсон нимагаки эриша, бунга қалбдаги ҳароратнинг баландлиги сабаб,— дейди М. Бердиев.— Ёшлигимда дадамнинг ишига чин дилдан ҳавас қилардим. Улар ҳам касаба уюшмаси етакчиси эдилар. Турли қийинчиликлар — очарчилик, уруш йилларида олган ҳаётий сабогимни тумор қилиб яшадим. Ҳалол меҳнатгина киши юзини ёруғ қилади, шунда бошқаларга ҳам нафинг тегади. 1942-1982 йиллар оралигида меҳнат фаолиятим касаба уюшмаси билан боғланди, турли лавозимларда ишладим. Отахон бироз ўйга толади. Эҳтимол, ўша даврларни ёдга олаётгандир, дея хаёл қиламан. Ахир, бу ажинлар умрининг ажралмас қисми бўлган кунлардан ёдгорлик эмасми? Ҳар бир қизиқ одамлар тақдирини ўйлаб ўтказилган бедор тунлар нишонасидир балки. Отахонни

яна суҳбатга тортаман:
— **Мақсад, орзу, интилиш. Буларни ҳаётни гўзаллаштирувчи омиллар десак, хато бўлмас.**
— Ҳа, тўғри айтдингиз. Инсон орзу қилишдан тўхтамас экан. Агар «бўлди, ҳамма ниятимга етдим», десангиз, ҳаётнинг қизиғи қолмайди. Касбим тақозоси билан дунёнинг турли бурчакларида жойлашган йигирма битта давлатни кўрганман. Уларнинг баъзи жиҳатларига ҳавас қилиб, бизнинг ватанимизда ҳам шундай бўлса эди, деган ўй кўнглимдан кечгани рост. Мустақиллик шарофати билан улар амалга ошмоқда.
— **Киши қандай муваффақиятга эришмасин, бунда, албатта, яқинларининг ҳиссаси бўлади. Уларнинг қўллаб-қувватлашлари кўнгилга далда беради. Бу фикрга қандай қарайсиз?**
— Ҳаётий тажрибамдан ке-

либ чиқиб айтишим мумкин-ки, бу ёруғ олам инсонга берилган омонат экан. Унинг биринчи шарт одамлар бир-бирларини қўллаб-қувватлаши зарурлигидир. Бу аждодлар ва авлодларни боғлаб турган мустақам занжирга ўхшайди. Ҳар биримиз ана шу занжирнинг бир ҳалқаси бўлишимиз керак. Оилада яхши муҳит ярата олмас экансиз, ҳеч қачон катта-катта муваффақиятларга эришолмайсиз. Оила — кичик давлат, деб бежизга айтишмайди, ахир. Фарзандларим — икки ўғлим, саккиз набирам, ўн икки эварам — ҳаётим мазмунига айланиб улгуришган. Ҳа, яхшиликка бахшида умргина ҳаёт йўлидан қувониб имконини беради. Ҳамиша инсонларга керакли эканлигини ҳис қилиб яшашга не етсин!
Суҳбатдош:
Дилдора РАҲМОНОВА

Мунажжим башорати

(30 апрелдан — 6 майгача)

ҚҮЙ. Ҳафтанинг дастлабки кунларида, йиғилиб турган гайратингизни қайда йўналтиришингиз ҳақида ўйланг. Ҳафта ўртасида каттароқ чиқим қилишингиз мумкин. Ҳафта охири турли спорт ўйинлари, ўқишга боғлиқ масалаларни барқарорлаштириш учун қулай. Шанба оқшомини фаол ўтказишга ҳаракат қилинг ва эҳтиёткор бўлинг. Жанжал оқибатида кайфиятингиз бузилиши мумкин.

БУЗОҚ. Душанбада бироз кайфиятингиз тушиши мумкин. Ўзингизга эътибор беринг, бирор ёқтирган нарсангизни сотиб олинг. Ҳафта ўртаси омадли келади. Ишларингизнинг юришиб кетиши сизни хурсанд қилади. Дам олиш кунлари дўстлар ва ҳамфиқрлар билан суҳбатлашинг. Компьютер билимларини эгаллаш, саёхатга чиқиш, музокаралар олиб боришга ноқулай.

ЭГИЗАКЛАР. Мусолада қиришмилийингиз ҳафта бошида ҳал қилинадиган молиявий муаммоларга ечим топиб, алоқаларни янада мустаҳкамлашда қўл келади. Ҳафта ўртасида кайфиятингиз бироз тушади, бу иш жойингиз билан боғлиқ бўлиши мумкин. Соғлиғингизга эътибор беринг. Пайшанба ва жума шартномалар, келишувлар учун омадли келиши кутилмоқда. Яшанбада бадий ютоблар ўқиб, болаларингиз билан бирга бўлинг. Бу кун молиявий масалалар билан шугулланиш тавсия этилмайди.

ҚИСҚИЧАҚА. Ўқиш, малака ошириш ёки чет тилларини ўрганиш вақти келди. Ҳар кунлик мажбуриятни бажариш билан бирга иккинчи даражали масалалар билан ҳам шугулланг. Лекин шошилманг. Уй ишлари ва шахсий муаммоларни тинч йўл билан амалга оширинг. Дўстларингиз билан муносабатда эътиборсизлик қилманг ва муҳаббатга бепарво бўлманг.

АРСЛОН. Сизнинг ижодкорлик фаолиятингиз ҳафтанинг бошидаёқ қайнайди. Асосий мақсадингизни бу жараён билан тенг олиб боришга ҳаракат қилинг. Ҳафта ўртасида иккита ҳодиса юз беради. Биринчиси оилангиз билан, иккинчиси касбингиз билан боғлиқ. Бу сиз узоқ кутган шартнома натижаси бўлиши мумкин. Дам олиш кунлари сеvimли кишингиз билан муносабатларни яхшилаш ва барқарорлаштириш учун қулай бўлади.

ПАРИЗОД. Ҳафта бошида ҳамкорларингиз жуда фаоллашиб, сизни ҳам турли соҳаларда шериклик қилишингизни талаб қилишади. Ҳафта ўртасида ёзги саёхат, ўқиш ва нашр масалаларини ҳал қиласиз. Ҳафта сўнгида ҳужжатлар ва катта ёшлилар билан муаммолар бўлиши мумкин. Яшанбада оилавий тангликни бартараф этиш учун руҳий ҳолатни ҳис қилиш қобилиятингиздан фойдаланинг.

ТАРОЗИ. Душанба ва сешанбанинг иккинчи яри муаммоларингизни ҳал қилиш учун бутунлай сизнинг ихтиёрингизда. Бу мuddат ижобий ҳамкорлик масалалари ва омадли харид учун қулай бўлиши мумкин. Ҳафта ўртасида моддий-молиявий масалаларни бартараф этишингиз учун қулай келиши кутилади. Яшанбада қийин аҳволдан чиқиш йўлини ўйланг, руҳингизни туширманг.

ЧАЁН. Душанба, сешанба кунлари вақтингизни ижод қилишга, фарзандларингизга бағишласангиз, бутун ҳафта давомида шундай кайфиятда юрасиз. Ҳафта ўрталарида ҳамкорлик муносабатларида олға силжиш кутилмоқда. Шанба ва яшанба кунлари молиявий муаммоларга дуч келишингиз мумкин.

ЎҚОТАР. Ҳафта бошида оила аъзоларингизни билан уйингизни таъмирлаш учун яхши имконият бўлади. Фақат буни ўта толиқтирмайдиган даражада ташкил қилинг. Ҳафта ўртасида қисқа хизмат сафарига боришингиз мумкин. Жумадан яшанба кунининг яримгача сиз учун омадли кунлар бўлади. Ҳафта охири саёхатга чиқиш, таълим билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун қулай.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Бу ҳафтада дўстлар ва ҳамфиқрларингиз билан муносабатларингиз бироз чигаллашади. Фаолиятингизда янги келишувлар ва алоқаларни мустаҳкамлаш ҳисобига фаоллашув кутилади. Болаларингиз билан сафарга чиқишингиз мумкин. Ҳафта охирида ҳужжатларни расмийлаштириш, музокаралар юзасидан вақтинча қийинчилик юзага келади. Ҳафта охири оилангизга бағишланг.

ҚОВҒА. Ҳафта бошида оилангиз ёки касбий фаолиятингиз билан боғлиқ ажойиб янгилик юз бериши кутилади. Ҳафта ўртасида иш жойингизда сизнинг норозилингизга сабаб бўладиган воқеа содир бўлиши мумкин. Ҳафта охирида ҳамкорларингиз сизга яхши имконият яратишади. Яшанбада ота-онангиз ёки қариндошларингизникига меҳмонга боришингиз мумкин.

БАЛИҚ. Ҳафта бошида касбий қобилиятингизни оширишингиз, ишхонада ижобий тақлифларингиз билан муваффақиятга эришингиз мумкин. Пайшанба самарали битимлар, янги музокаралар, хизмат сафарлари учун жуда қулай. Дам олиш кунлари яхшигина маош тақлиф қилинаётган янги иш ҳақида ўйлаб кўринг.

7/35 Sportlotto
108-тираж якуни

10 000 000 jackpot

3 32 7 28 35 16 21

7 та рақам - 1 та - 25 000 000
6 та рақам - 6 та - 400 000 сўмдан
5 та рақам - 70 та - 12000 сўмдан

4 та рақам - 706 та - 1200 сўмдан
3 та рақам - 3456 та - 400 сўмдан

Манзил: 100027 Тошкент ш., Ўзбекистон кўч., 98-а ("Пахтакор" МС).
Тел.: 142-11-15, 142-12-95, Факс: (998 712) 142-37-89 www.sportlotto.uz

Шанба ҳисмати


Хунар шундай отдирки, у минган кишини роҳат ва эътибор манзилига етказди.

Изоҳи сиздан...



— Ишлар қалай, ўртоқжон, Омон бўлгин ҳар қачон. Юришадир ҳар ишинг, Бошингдадир бахт қушинг.
— Бахт қушимас тентаквой, Тўти қушим — Эркатой!

Нозимахон АҲМАДБЕКОВА, 279-мактаб, 9-синф



Энг яхши, энг қувноқ изоҳ эгасига махсус совғамиз бор. Энди навбатдаги суратга изоҳ толинг-чи?

Апрел ойида эълон қилинган изоҳлар ичидда энг қувноқ деб тошкентлик мухлисамиз Н.Аҳмадбекованинг шеърлари топилди. Мухлисамиздан тахририят билан боғланишни сўраймиз.

Азиз муштарийлар! Агар сизда изоҳталаб суратлар бўлса, уларни бизга жўнатишингиз мумкин.

Ҳақиқатда ўнг кепти, Кечаги кўрган тушинг. Муборак бўлсин сенга, Бошингдаги бахт қушинг. ***

Тўти бўлсам ҳам ўзим, Такрор айтай, чин сўзим, Дўстликни қадрлайман, Аҳил бўлинглар, қизим.

Рустам САТТОРОВ, хуқуқшунос, Наманган шахри

— Бошимга кўнган қушни, Кўряпсизми, дугона?! Мен бахтлиман шу ондан Дунёда мен ягона.

— Қўй, ўртоқжон, учади, Бошингдаги тўтиқуш. Ўзингни мақтамагин, Катта олмай, пастга туш.

Ханифа РЎЗИМАТОВА, Тўрақўрғон тумани

Ishonch	Бош муҳаррир Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ	Бизга кўнгирак қилинг: Котибият: 153-52-78 Хатлар бўлими: 153-85-43	Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи муҳаррир - Н.Рафиқов Навбатчи - Т.Шерматов Мусаҳҳих - Н.Юлдошев
	Тахрир хайъати: Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримкул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ғубов, Фуломзокир Юсупов	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерда терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.	«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Тахририятга қўлган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (П) белгиси остида чоп этилади.	Саҳифаловчи-дизайнер: Ж.Юнусов, Ю.Михайловский
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси		E-mail: ishonch-doverie@mail.ru		Буюртма Г—314 Тиражи: 17255	
				Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 21.00	
				Сотувда эркин нархда 1 2 3 4 5 7 8	